


Боқий фикр
Жамики эзгу фазилатлар
инсон қалбига, аввало,
она алласи, она тилининг
бетақдор жозибаси билан
сингади. Она тили — бу
миллатнинг руҳидир,
Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 22-oktabr, chorshanba № 85 (8734)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 2014 йил 23-24 октябрь кунлари расмий ташриф билан Туркменистонда бўлади.

Мунтазамлик касб этган олий даражадаги Ўзбекистон – Туркменистон мулоқоти доирасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга доир масалаларни, минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб муаммоларни муҳокама этиш режалаштирилган.

Ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти ва турли соҳалар бўйича ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид қатор ҳужжатлар имзоланади.

**21-oktabr — O'zbekiston Respublikasining
"Davlat tili haqida"gi qonuni qabul qilingan kun**

ТИЛ, ТАРАҚҚИЁТ ВА МАЪНАВИЯТ

Ёшлар ижод саройида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 25 йиллигига бағишлаб «Тил, тараққиёт ва маънавият» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, ёзувчи ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари, олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, санъаткорлар, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Ахмедов, Республика Маънавият тарғибот маркази бўлим му-

дири Г.Маткаримова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида она тилимизнинг давлат тили сифатидаги ўрни ва аҳамиятини кучайтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни тилимизнинг бой имкониятларидан кенг фойдаланишга пухта замин яратиши билан бирга мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ҳурмат қилинишида муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

(Давоми 8-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2014 йил 21 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини муҳокама қилишга ҳамда 2014 йилнинг 17 январидан республика Ҳукумати мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга оширишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда таркибий қайта ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялаш, мамлакатни ривожлантиришнинг белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларига, шу жумладан, ишлаб чиқариш, инвестициялар, экспорт ҳамда иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқлари ва соҳаларини ривожлантириш дастурларининг прогност параметрларига эришишни таъминлаш, шунингдек, аҳоли бандлигини, ҳаёти даражаси сифатини ўзлуксиз ошириш ишларининг натижалари ҳар томонлама қўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва модернизациялашнинг қабул қилинган стратегияси-

нинг тизимли ва изчил амалга оширилиши туфайли жаҳон иқтисодиёти ривожланишида жиҳдий таҳдидлар ва сустлашиш мавжуд эканлигига қарамай, Ўзбекистонда макроиқтисодий мутаносиблик ва иқтисодиёт ўсишининг барқарор юқори суръатлари таъминланаётганлиги қайд этилди. Жорий йилнинг 9 ойида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми — 8,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми — 6,8 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми — 18,9 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдоридан профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогност параметрларидан ошмади.

Саноат тармоқларини жадал ривожлантириш дастурларини амалга ошириш ва ички талабни мутаносиб рағбатлантириш чора-тадбирлари истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг — 11,3 фоизга, чакана товар айланмасининг — 14,2 фоизга ва пуллик хизматларнинг — 11,1 фоизга ўсишини таъминлади. Хизматлар соҳаси миллий иқтисодиёт ўсишининг муҳим омилларидан бири бўлиб қолмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

ТОЗА ҚАЛЪ ОҲАНГЛАРИ

**инсонларда меҳру оқибат, эзгулик ва ватанпарварлик
туйғуларини юксалтиради**

Ўзбекистон
Давлат кон-
серватория-
сида халқ
чолғулари
йўналишида
“Она юрт
оҳанглари”
халқаро тан-
ловининг очи-
лиш мароси-
ми бўлиб
ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Бастакорлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган, дунёнинг санъат соҳаси ривожланган ва бу борада бир қатор муваффақиятларни қўлга ки-

ритган — Туркия, Эрон, Россия, Арманистон, Озарбойжон сингари давлатлар вакиллари иштирок этаётган мусиқа фестивалида ижодий ва жамоатчилик ташкилотлари, санъат, маданият соҳасида фаолият юритувчи мутасаддилар, ўзи-

Ona yurt ohanglari

мизнинг ва хорижлик ёш мутахассислар, ўқувчилар иштирок этишди.

(Давоми 3-бетда.)

Saylov — 2014

ДЕМОКРАТИК МЕЗОНЛАР УСТУВОРЛИГИ

сайлов кампанияси
фаолиятининг асосини
ташкил этмоқда

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида сайлов кампанияси қизгин паллага кирди. Бу борада Наманган вилоятида ҳам Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастури изчил амалга оширилмоқда.

Вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияларининг фаолиятини юқори савияда ташкил этиш учун барча шарт-шароитлар яратилиб, сайлов кампаниясини демократик принциплар асосида очик ва холис ташкил этишга қатъий эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 5-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Жорий йилда сув кам бўлган шaroитларда деҳқонларнинг омилкорлиги ва фидокорона меҳнати, сугориш сувидан оқилона фойдаланишни таъминлаш туфайли қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларидан мўл ҳосил этиштирилди ва йиғиштирилди олинди. Қишлоқ ҳўжалигини модернизациялаш ва қишлоқ аҳоли пунктлари қиёфасини тубдан яхшилаш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирларни қишлоқдаги сифат ўзгаришларини таъминламоқда. Уй-жой қўришнинг янги қишлоқ массивларида намунавий лойиҳалар бўйича 10830 та яқна тартибдаги уй фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича жорий йилда қабул қилинган фармони ва қарори талабларини амалга оширишга доир чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кичик бизнеснинг 20,2 мингта янги субъектини ташкил этишга қўмаклашди. Кичик бизнес улуши саноатда 2013 йилнинг 9 ойидаги 27,9 фоиздан жорий йилда 31,1 фоизгача, ўзлаштирилган инвестициялар — 32,2 фоиздан 33,2 фоизгача ва бандликда 76 фоиздан 76,5 фоизгача ўсди.

Кичик бизнес субъектларида 224 та давлат активлари сотилди, 23 мингта фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари ижарага берилди. Тижорат банклари томонидан умумий суммаси 7,3 триллион сўм ёки 2013 йилнинг 9 ойидаги қараганда 1,3 баравар кўп кредитлар ва микрокредитлар берилди. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг 99 фоизи солиқ ҳисоботларини, 94,7 фоизи статистика ҳисоботларини электрон шаклда топширмоқдалар. Юк божона декларацияларининг 98 фоиздан ортиги электрон усулда расмийлаштирилмоқда.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш масалалари республика Ҳукуматининг доимий диққат-этиборида, жорий йилнинг 1 сентяб-ридан бошлаб бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорлари 1,12 баравар оширилди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида оналик ва болаликни муҳофаза қилишни таъминлаш, таълим сифатини ошириш, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш тадбирлари амалга оширилмоқда. Ушбу тадбирларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан 4,2 триллион сўм ва 200 миллион доллар йўналтирилди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари олдида иқтисодиётни ва унинг тармоқларини, республика ҳудудларини ривожлантиришнинг 2014 йил учун белгиланган прогноз параметрларига эришишни сўзсиз таъминлашни, шунингдек, кейинги йилларда ўсишнинг барқарор юқори суръатларини сақлаб қолишни назарда тутган ҳолда ўсишнинг барча мавжуд манбаларини сафарбар қилиш, ислохотларни қўрлаштириш ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши йўлида тўсиқ бўлаётган аниқ муаммоларни ҳал этиш юзасидан дамқ вазибалар қўйилди.

Ҳўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарларининг алоҳида эътибори буюртмалар портфелини ўз вақтида шакллантириш, энг аввало VIII Халқаро саноат ярмаркаси ва коопе-

рация биржаси, шунингдек, тармоқ ва ҳудудий ярмаркалари ўтказилиши давомида 2015 йилги ишлаб чиқаришнинг прогноз ҳажмлари учун хомашё ва материаллар харид қилиш юзасидан шартномалар тузилиши зарурлигига қаратилди.

Мажлисда муҳим устувор вазила сифатида Инвестиция дастури бажарилишини ва 2014 йилда назарда тутилган ишлаб чиқариш ва инфратузилма объектлари фойдаланишга топширилишини таъминлаш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирларнинг натижаларини ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Саноат тармоқларини, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш ва модернизациялаш юзасидан фаол инвестиция сиёсати амалга оширилиши асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар 10,7 фоизга, шу жумладан, хорижий инвестицияларни ўзлаштириш — 22,3 фоизга ўсишига қўмаклашганлиги алоҳида таъкидланди. 2715 та янги ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди, юқори технологик ва замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича 105 та муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тугалланди.

Жумладан, 700 минг тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Жиззах вилоятида портландцемент ва оқ цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш», ишлаб чиқаришни 716 минг тоннагача қўпайтирган ҳолда «Фосфорит хомашёсини бойитиш бўйича мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш», Хоразм вилоятида 80 мингта автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Енгил автомобилларнинг «Дамас» ва «Орландо» моделларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш» сингари лойиҳалар бўйича ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон миллий автомагистрalli таркибига кирадиган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича қарийб 720 миллиард сўм ўзлаштирилди.

Ушбу масалани муҳокама қилишда айрим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги йўл қўйилган камчиликлар ва қолоқлик учун бир қанча ҳўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарлари фаолияти танқид қилинди. Улар олдида камчиликларни бартараф этиш ва қолоқликнинг ўрнини тўлдириш, амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари бўйича объектларни ўз вақтида фойдаланишга топширишни таъминлаш юзасидан аниқ вазибалар қўйилди.

Мажлисда иқтисодиётдаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг ҳолати, шунингдек, иқтисодиётнинг айрим тармоқларида мuddати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги батафсил таҳлил қилинди. 141 та зарар қўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича тасдиқланган «йўл хариталари»ни амалга ошириш натижасида жорий йилнинг 9 ойида 119 та корхона зарар қўриб ишлашдан чиқарилди.

Мuddати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича республика комиссиясида Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, ҳўжалик бирлашма-

лари билан биргаликда айрим тармоқларда ва йирик корхоналарда мuddати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни тубдан қисқартиришга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди.

Мажлисда маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажмларини қўпайтириш ва турларини ошириш, экспортнинг 2014 йилда назарда тутилган прогноз параметрларига эришишни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ҳар томонлама таҳлил қилишга эътибор қаратилди. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар — экспорт қилувчилар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ташқи бозорларда улар маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар туфайли маҳаллий экспорт маҳсулотларининг асосий турларига нархлар ноҳуш ўзгариб турганлигига қарамай, жорий йилнинг ўтган 9 ойида ташқи савдо айланмасининг салмоқли ижобий салъоси тенденцияларини сақлаб қолиш таъминланди.

Йил бошидан бошлаб экспорт ҳажми 332 миллион долларлик 322 та янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, 172,2 миллион долларлик товарларнинг 143 та янги турларини экспорт қилиш ўзлаштирилди. Ушбу даврда ўзбек экспорт қилувчилари ўз маҳсулотларини илк бор 51 та давлатга етказдилар.

Ҳўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги раҳбарларининг эътибори экспортга етказиб берилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмлари ва турларини кенгайтиришнинг мавжуд заҳираларини аниқлаш ва сафарбар этиш ишларини қучайтириш зарурлигига қаратилди.

Иқтисодиёт вазирлигига, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига манфаатдор ҳўжалик бирлашмалари билан биргаликда республикага замонавий бўлмаган, маънавий эскирган ва истиқболсиз асбоб-ускуналар келтирилишига йўл қўймаслик, шунингдек, импорт бўйича олиб келинадиган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш даражасини тубдан ошириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш ва кириштириш топширилди.

Аҳоли бандлигини ошириш масалалари мажлис қатнашчиларининг диққат-эътибори марказида бўлди. 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг тизимли амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг ўтган даврида 777,8 мингта янги иш ўринлари, шу жумладан, 465 мингтаси ёки 59,8 фоизини қишлоқ жойларда ташкил этиш таъминланганлиги қайд этилди.

Муҳокама давомида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ишларини ташкил этишдаги йўл қўйилган камчиликлар учун республиканинг бир қанча туманлари ҳокимлари фаолияти қаттиқ танқид қилинди. Улар олдида камчиликларни бартараф этиш ва касб-ҳунар коллежларининг барча битирувчиларини ишга жойлаштириш учун янги доимий иш ўринларини қўшимча равишда ташкил этишни таъминлаш юзасидан аниқ вазибалар қўйилди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, тижорат банклари, ҳўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарларига янги иш ўринлари ташкил этишнинг 2014 йил учун белгиланган параметрларини бажариш ҳамда жорий йилда касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшларни тўлиқ ишга жойлаштиришни таъминлаш учун амалий чора-тадбирлар қўриш топширилди.

Тегишли вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари раҳбарларининг эътибори аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатининг доимий мониторингинг ва таҳлилини таъминлаш зарурлигига, шунингдек, улар учун мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов томонидан Андижон вилояти фермерлари ва аҳолиси билан учрашувлар чоғида белгилаб берилган вазибаларга мувофиқ муносиб ҳаёт шaroитлари яратилишига қаратилди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисид вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва ҳокимликлари раҳбарларининг иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектларини ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини куз-қиш даврига тайёрлаш ишларини, шунингдек, бўлажак куз-қиш даврига мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка ғамлашни тугаллаш тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилди.

Ушбу масалани муҳокама қилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Ўзбекэнерго», «Ўзтрансгаз» компаниялари, «Ўзбекқўмир» акциядорлик жамияти, шунингдек, бир қанча вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг эътибори иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва турар-жой фонднинг 2014—2015 йиллар куз-қиш даврига тайёрлиги ва барқарор фаолият қўрсатиши, шу жумладан, газ-транспорт ва энергия билан таъминландиган объектлар барқарор ишлашини, табиий газ, қўмир ва электр энергияси узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш учун шахсан масъул эканликлари қаратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турларини ва картошкани зарур ҳажмларда ғамлашни тугаллашни жадаллаштириш ҳамда мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка нархининг ички бозорда кескин ўсиб кетишига йўл қўймаслигини назарда тутган, талаб ва нархлар конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда уларнинг заҳиралари аҳолига сотиш учун савдога тизимли қўйилишни таъминлаш топширилди.

Мажлис кун тартибидagi масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, республика вазирликлари, идоралари, ҳўжалик бирлашмалари, йирик корхоналари ва вилоятлар ҳокимликларининг раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. Уларда 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазибалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш ва келгусида республика иқтисодиётини барқарор ривожлантириш учун ишончли қафоллар яратиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

2014-yil 22-oktabr, № 85 (8734)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Биринчи бор ташкиллаштирилган тadbирдан кўзланган асосий мақсад ёш иқтидор эгаларини топиш ва уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, чет эллик мусиқа ихлосмандларини ўзбек халқ чолғу асбоблари билан таништириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, шунингдек, уларни мустақил фикрлайдиган, кенг дунёқарашга эга, юксак бадиий-эстетик дид соҳиби этиб тарбиялашдан иборатдир.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинганда санъат ва мусиқа таълимига эътибор тубдан ўзгарди

юзага чиқариши баробарида халқаро мусобақаларда муносиб қатнашишига замин яратётгани, ўзбекистонлик ёш ижрочиларнинг халқаро танловларда иштироки муносиб баҳоланаётгани ҳар бир кишини қувонтириши, шубҳасиз.

Жумладан, 2009—2014 йиллар мобайнида 452 нафар истеъдодли ёшларимиз Италия, Франция, Германия, Англия, Австрия, Япония, Руминия, Португалия, Россия ва бошқа давлатларда ўтказилган турли нуфузли халқ

Халқаро танловнинг очиқлиги маросимида миллий куйлар, дунё мумтоз мусиқаси намуналари тингланиб, ёш ижрочиларнинг чиқишларини томошабинлар илиқ кутиб олишди.

Шундан сўнг, қатнашчилар Яккасарой туманидаги 18-болалар мусиқа ва санъат мактабига жамланишди. Мактаб замонавий усулда барпо этилган бўлиб, концерт зали, ахборот-ресурс маркази ва шинам ўқув хоналарига эга.

... Сокин мусиқанинг ал-

ҳар жиҳатдан шинам, қулай, кўркем таълим даргоҳини айланаркансиз, ўқувчилар юзида ҳаяжон, титроқ ва иштиёқни кўрасиз.

— Анча йиллардан бери гижжак чаламан, — дейди Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчиси Лазиз Элмуродов. — Тенгдошларим билан биргаликда тез-тез, кунда ҳеч бўлмаса бир бор шу мусиқа асбобини қўлга олиб беллашамиз. Беллашувимиз узоқ давом этади, бундан без-

вий оламини бойитаётганининг ҳам асл сабаби унда умуминсоний қадриятлар улуғланганидир.

Учинчи босқичга қадар етиб келган иштирокчиларнинг кичик гуруҳи "Сўғдиёна" халқ чолғулари оркестри билан машғулот ўтказаетган бўлса, катта гуруҳ Т. Жалилов номидаги академик халқ чолғулари оркестри билан учинчи босқичга тайёргарлик кўраётди.

— Танлов мусиқа борасидаги билимларимизни бойитиши баробарида янги имкониятлар яратади, — дейди озарбойжонлик иштирокчи Омарли Шукур Сафи ўғли. — Шу орқали ўзбек халқ чолғу асбоблари билан танишиш, озар халқ миллий чолғу асбобларига ўхшашликлари, фарқлари билан солиштириш имконига эга бўлаяпмиз. Бундан ташқари, янги дўстлар ортираяпмиз, танлов жараёнида ўзига хос

ТОЗА ҚАЛБ ОҲАНГЛАРИ

инсонларда меҳру оқибат, эзгулик ва
ватанпарварлик туйғуларини юксалтиради



ҳамда мусиқа ва санъат мактаблари таъмирланди, қайта қурилди.

Шунингдек, мазкур қарорнинг қабул қилиниши ўсиб келаётган ёш авлоднинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқаси, тасвирий санъатининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун шарт-шароитлар яратиб, бошланғич мусиқий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, болалар мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантириш ҳамда замонавий моддий-техник базани шакллантириш имконини берди.

Давлат дастури доирасида республика миқёсида жами 278та болалар мусиқа ва санъат мактаблари янги қиёфа касб этиб, замонавий ўқув бинолари, зарур адабиётлар ва мусиқий асбоблар билан таъминланди.

Тизимда олиб борилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари самараси ўлароқ болалар мусиқа ва санъат мактабларига ўқувчилар қамрови ортди, уларда бугунги кунга мос янги йўналишлар очилиб, ёшларнинг мактабдан ташқари бўш вақтлари мазмунли ташкил этилмоқда.

"Санъат гўнчалари", "Наврўз садолари", "Камалак юлдузлари" сингари мусиқа фестивали ва кўрик-танловлар уларнинг истеъдодини

қаро танловларда голибликни қўлга киритдилар.

Албатта, бу муваффақиятлар, эришилаётган натижалар тасодифий эмас. Ҳукуматимиз томонидан болаларнинг пухта билим олишлари, интеллектуал авлод сифатида ўсиб-ўлғайишлари учун яратилаётган кенг қўламли ислохотлар самараси ўлароқ ёшларимиз шундай эътирофларга сазовор бўлишмоқда.

"Она юрт оҳанглари" номли халқаро танловда 12—19 ёшдаги иштирокчилар қатнашаётди. Улар ёш тоифасига кўра икки гуруҳга ажратилган: биринчи гуруҳ (5—12 ёш); иккинчи гуруҳ (16—19 ёш).

Танлов 3 босқичда бўлиб ўтиши режалаштирилган: биринчи босқичда иштирокчилар ўз юртининг миллий мусиқаларини ижро этадилар ва ижро маҳоратига кўра 50 фоиз иштирокчига кейинги босқичга йўлланма берилади, иккинчи босқичда эса жаҳон мумтоз композиторларининг йирик асарларидан ижро этадилар ва уларнинг 50 фоиз яқиний босқичга ўтади. Учинчи босқичда ёш санъаткорлар ўзбек композиторлари томонидан яратилган белгиланган асарларни халқ чолғулари оркестри жўрлигида ижро этадилар. Учинчи босқич натижаларига кўра иштирокчиларнинг ижро маҳоратига қараб голиб ва совриндорлар аниқланади.

лақандай сеҳрли оҳанги томошабинларни ўйинга тортгандек... Улар берилиб оҳанг тинглайди, истар-истамай бир маромда чайқаладилар. Чанг чалаётган қизнинг фикри зикри машқини бехато бажаришга қаратилган бўлса, ҳов анави ўриндиққа михланган онанинг қувончи осмонга етгудек. Яна биров чангнинг мунгли куйини тинглай туриб, ўтмиш хотираларга берилади, биров қабогини уқалаб-уқалаб кўяди, яна кимдир куй тугамасиданоқ қарсақ чалишга шай.

— "Она юрт оҳанглари" халқаро танлови мамлакатимизда таълим-тарбия, маънавият ва маърифат, санъат ва мусиқага қаратилаётган юксак эътиборнинг бир намунасидир. Шунинг баробарида ушбу танлов ёш ижрочиларнинг ўз мутахассислиги бўйича билимларини мусула таҳкамлаш, ижодий услуб яратиш, ижрочилик санъатини ривожлантиришга хизмат қилади. Танловда 120 нафардан ортққ иштирокчи ўз билим ва маҳоратларини намойиш этишяпти, — дейди халқаро танлов хайъати аъзоси Бахтиёр Абдурахмонов. — Умуман олганда, куй-қўшиқ миллий танламайди, барча кишиларга маънавий озуқа беради, дидни шакллантиради, қалбни тарбиялайди.

Ҳақиқатан, мусиқа қалбни тарбиялайди, деган гап раст. Фестивалнинг биринчи босқичи ўтказилаётган

маймиз, аксинча, завкланамиз. Масалан, шу орқали "Женкинсон ракси"ни, Гиенка қайта ишлаган "Ёлғизлик"ни тез ўзлаштирганмиз.

Халқаро танлов 5та: дам-ли чолғулар — най, карнай, сибица, қўшнай, кларнет; дастасиз чолғулар — чанг, қонун; дастали халқ чолғулар — рубоб, балалайка, гижжак; урма зарблӣ — доира, барабан, ногора, дамб; баян-аккордеон сингари йўналиш бўйича ўтказилаётди.

Иккинчи босқичда иштирокчиларнинг жаҳон мумтоз композиторларининг ижодини билишлари ва ижро эта олишлари синовдан ўтказилди. Бетховеннинг "Элизага", Моцартнинг "Ой сонатаси", Чайковскийнинг "Оқуш кўли", Иоганн Штрауснинг "Марш" ва "Ов", Род Гудвиннинг "Эспадирия", Жакомо Пуччинининг "Калафа арияси", Жорж Бизенин "Хабанера", Жоакини Россинининг "Севилиялик сартарош" сингари асарлари ижро этилиб, мусиқа ихлосмандларига катта қувонч уланди. Буюк композиторларнинг асрлар давомида яшаб келаётган куйларини тинглар экансиз, инсонийлик, меҳр-оқибат, эзгулик ва ватанпарварлик туйғуларини қалбингизнинг энг тубидаги яширин хотираларни қайта жонлантираверади. Замон ва макон тушунчаларидан йироқ мазкур асарлар ҳақиқатан инсониятнинг маъна-

ижодий муҳит шаклланаётди. Юртимизга қайтгач, Ўзбекистон таълим тизими, унинг ўзига хосликлари, яратилган шарт-шароит, табияти, одамлари ва дўстларимиз ҳақида гапириб берамиз. Бу мусиқа фестивали бутун умр хотирамизда муҳрланиб қолади.

Халқаро танлов ўтаётган замонавий концерт залини айланаркансиз, қўлга рубоб, дутор тутган, берилиб доирани дўмбирлатаётган, най чалаётган ёшларга дуч келасиз. Сўхбатга тортсангиз, дарров мусиқанинг ўз ҳаётида тутган ўрни хусусида сўзлаш кетади.

— Қашқар рубобини илк бор эшитганимда кўнглимга яқин туылган, — дейди Дилшод Муҳаммадиев. — Шундан бери шу мусиқа асбобини чаламан. Турфа ўзбек халқ куйларини чалишни ўрганганман. Отам мусиқага жиддий эътибор қаратади, доира чалишни ёқтиради. Эҳтимол, шу сабаб мусиқа билан шугулланиш ҳаёлимга келгандир.

Халқаро танлов иштирокчилари билан Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштириш ва шаҳардаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолиятини кузатиш ҳамда тарихий жойларни зиёрат қилиш режалаштирилган.

Танлов ҳафта сўнгига қадар давом этади.

Олимжон ЖУМАОЕВ,
"Ma'rifat" муҳбири

Yangiliklarda yurt nafari



❖ **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида умумтаълим муассасаларида болаларни дарсдан ташқари жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этиш механизмларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, умумтаълим мактаблари мутасаддилари, спорт мураббийлари, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Бугунги кунда халқ таълими тизимида ўн мингга яқин умумтаълим мактаби, 590 болалар ва ўсмирлар жумладан, 66 олимпия захиралари спорт мактаби, 13 олий спорт маҳорати мактаби, 10 спорт мажмуаси фаолият кўрсатмоқда.

Умумтаълим мактабларида жисмоний тарбия билан шугулланувчи ёшлар 4 миллион 458 минг нафардан ортиқни ташкил этиб, уларнинг 2 миллион 166 минг нафари қизлардир. Ўқув масканларида спорт секцияларини янада кўпайтириш, мусобақалар ва маҳорат сабоқларини ўтказишга оид доимий чора-тадбирлар олиб боришмоқда. Хусусан, мактаблардаги спорт тўғрисидаги 1 миллион 638 минг бола, жумладан, қарийб 707 минг нафар киз қатнайд.

Давра суҳбатида ҳудудларда болалар ва қизларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиши учун кенг имкониятни яратиш, спорт майдончалари, тўғаракларни кўпайтириш, спорт билан шугулланишнинг илмий-методик асосларини яхшилаш зарурлиги таъкидланди. Бу борадаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар билдирилди.

❖ **Бухоро вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган кунга бағишлаб «Тил бор экан, миллат яшайди» шиори остида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.**

Тадбирда кенг жамоатчилик вакиллари, ўқитувчилар, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари иштирок этди.

— Она Ватан ва она тили дейилиши замирида катта маъно бор, — дейди Бухоро шаҳридаги 17-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Зулфизар Мавлонова. — Ватан ва тил ҳар биримиз учун онадек табаррукдир. Бугунги тадбир тилимиз олдидаги бурчимизни яна бир бор чуқур хис этишга ундади.

Тадбирда Ватан, она тили, дўстлик ҳақида қўй-қўшиқлар янгради.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган санага бағишланган бундай тадбирлар — давра суҳбатлари, адабий-бадиий кечалар, мушоира ва танловлар вилоятнинг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

❖ **Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида «Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 25 йиллигига бағишланган «Муқаддасан, она тилим!» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.**

Институт ректори Б.Сайфуллаев, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида она тилимизни асраб-авайлаш, унинг давлат тили сифатидаги мақомини юксалтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

«Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилингандан буён ўтган вақт давомида тилимизнинг ўзига ҳос хусусиятларига бағишланган қўлаб илмий-оммабоп рисоалар, ўқув қўлланмалари, лўғатлар чоп этилди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинмоқда. Шу билан бирга, мамлакатимиз ҳудудида яшовчи барча миллат ва элатларнинг тилларига ҳам иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлинмоқда, уларнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилмоқда.

Тадбирда талабалар томонидан мумтоз шоирлар ижодидан намуналар ўқилди, Ватанини, истиқлолни, она тилимизни улуғловчи қўй-қўшиқлар янгради.

❖ **Пойтахтимида МДХ мамлакатлари метрополитенлари, ушбу транспорт тури учун вагон, турли эҳтиёт қисм ва ускуналар ишлаб чиқарадиган йирик саноат корхоналарини бирлаштирган «Метро» халқаро ассоциацияси кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Унда МДХ мамлакатлари метрополитенлари ўртасидаги ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва ривожлантириш масаласи муҳокама этилди.

Тадбирда «Тошкент метрополитени» давлат унитар корхонаси бошлиғи О.Худойқулов давлатимиз раҳбари томонидан соҳани янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 14 мартда қабул қилинган фармойишига мувофиқ, Тошкент йўловчи вагонлари қуриш ва таъмирлаш заводида метро вагонларини капитал таъмирлаш, қайта тиклаш ишлари амалга оширилиши тўғрисида уларнинг хизмат кўрсатиш муддати 15 йилга етказилди. Пойтахт метрополитени эса тез орада ташқи ва ички дизайн яхшилانган, қўлай ва юқори хавфсизлик тизимига эга янги вагонлар билан таъмирланади.

Тадбир доирасида иштирокчилар Тошкент йўловчи вагонлари қуриш ва таъмирлаш заводи фаолияти билан ҳам танишди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Қўлай бизнес муҳитини яратишга алоҳида эътибор

Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлашга бағишланган матбуот анжуманининг бу галгиси Сергели туманида ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ривожини, асосий йўналишлар ва истиқболли вазифалар хусусида бўлиб ўтди.

Тадбирда ижтимоий соҳа объектларида қурилиш-таъмирлаш ишларининг бориши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастури доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар, янги иш ўринлари яратиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлиги, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik учун қўлай бизнес муҳити яратилаётгани борасида атрофича сўз юритилди.

Маълумотларга кўра, жорий йил куз-қиш мавсумига тайёр-

гарлик қўриш мақсадида умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим ва тиббиёт муассасалари учун жами 2,3 млрд сўм маблаг ажратилган.

2013-2014 ўқув йилида касб-хунар коллежларини битирган 2068 нафар ўқувчининг 1401 нафари иш билан таъминланган. Қолган битирувчиларни ишга жойлаштириш мақсадида ўтган 9 ой давомида 4 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш мақсадида ту-

манда тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlikни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Туман тижорат банклари томонидан 2014 йилнинг 9 ойида кичик бизнес ва тadbirkorlikни ривожлантириш учун жами 63 млрд сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Тадбир сўнгига «Сергели туманида тadbirkorlikни амалга оширинг» интернет порталининг намунавий кўриниши ва кредит олишда интерактив хизматларни жорий этиш бўйича ҳам тушунча берилди ва журналистларни қизиқтирган қўгина саволлар ҳам жавобсиз қолмади.

Дилфуза ТОШКЕНБОВА

Туризм соҳасининг янги кадрлари

Ўзбекистон банклар ассоциациясида Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг навбатдаги битирувчиларига диплом топириш маросими бўлиб ўтди. Тантанали маросим бошланишидан аввал оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказилди ва журналистларни қизиқтирган саволларга Сингапур менежментни ривожлантириш институти президенти Эрик Куан жавоб берди.

— Институтда ўқув дастурлари доимий янгиланиб, такомиллаштирилиб борилади, — деди у. — Ўзбекистонда туризм соҳасининг ривожланишини инobatта олган ҳолда, шу йўналишда кадрлар тайёрлаш бўйича янги лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Ўзбекистоннинг тарихий обидалари, бой маданияти тарихий туризмни ривожлантиришга асос бўлади.

Шунингдек, айна кунда Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти талабаларига қишки туризм, спорт туризмни ривожлантиришга оид чуқур билим ва қўникмаларни бериш, шу йўналишда мутахассислар тайёрлаш режалаштирилмоқда.

Тантанали маросимда «Бизнес ва маркетинг», «Саноат менежменти», «Тadbirkorlik ва менежмент», «Халқаро туризм ва меҳмонхона бошқаруви», «Бизнесда замонавий ахборот технологиялари» каби ихтисослик ва мутахассисликлар бўйича 341 нафар битирувчиға диплом топирилди. Тадбирда сўзга чиққанлар қанот ёзиб, катта ҳаётга йўлланма олган битирувчиларни самимий қўлаб, илм-фан чўққиларини эгаллашга бел болаган, қийинчиликлар олдида бош эгмайдиған, бугунги ҳаётимизнинг хал қилувчи ағи бўлган ёшларга омад тиладилар.

Санобар ЖУМАНОВА

«Чимён садоси — 2014»

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида «Чимён садоси — 2014» фестивалининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Ёш авлодга Ватанимизнинг қадимий тарихи, халқимизнинг бой маданий меросини ўргатиш, ўқувчилар орасида ўлкашунослик ва ўзлиқни англаш ғояларини тарғиби этиш, жисмонан соғлом ёшларни тарбиялаш мақсадида ташкил этилган ушбу фестивалда юртимиздаги «Баркамол авлод» болалар мар-

казларининг сайёҳлик йўналишидаги тўғарак аъзолари бўлган 90 нафардан зиёд ўқувчи иштирок этди.

Фестиваль катнашчиларининг маҳорати сайёҳлик, комплекс сайёҳлик қўникмалари, сайёҳлик қўшиқлари ва «448, 9 минг кв. км» висторина бўйича синовдан ўтказилди.

Қизгин ва ҳаяжонга бой мусобақа якуний натижаларига кўра 1-ўрин Тошкент вилояти, 2-ўрин Бухоро ва Наманган, 3-ўрин эса Фаргона, Жиззах ҳамда Сурхондарё вилояти жамоаларига насиб этди. Ғолиб жамоалар «Баркамол авлод» республика болалар ўлкашунослик ва экология марказининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Райҳона ХҲАЕВА

Маънавий баркамоллик иллатлардан сақлайди

Тошкент давлат аграр университетиди Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими ташаббуси билан вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, Фуқаролик жамиятини шакллантиришни мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлими ҳамкорлигида «Маънавий баркамоллик — ёшларни турли иллатлардан сақлашнинг муҳим омил» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Университет қошидаги Қибрай академик лицейи ўқувчилари иштирокида ўтказилган мазкур тадбирда сўзга чиққанлар ёшларнинг келажда юрт шаънини муносиб ҳимоя қиладиган маънан ва жисмонан баркамол бўлиб етишиши учун турли ёт ғоялар ва иллатлар таъсирига

тушиб қолмаслиги, улар онгида маънавий бўшлиқ юзгага келишининг олдини олиш асосий вазифалардан бири эканини таъкидлаб ўтдилар.

— Бугунги тадбирнинг аҳамияти шундаки, академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқувчилари айна ўтиш давридаги ёшлар. Шу боис улар билан тез-тез мана шундай маънавий-маърифий тадбирлар, ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб бориш ижобий самара беради, — дейди Тошкент вилояти ИЕХООБ катта инспектори, майор Зулайхо Қаландарова.

Тадбир сўнгига вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар, унинг салбий оқибатларига бағишланган махсус фильм намойиш этилди.

Назозат ХОЛМЕТОВА, «Ma'rifat» мухбири

Чегара хавфсизлиги — юрт тинчлиги

Чортоқ тумани ижтимоий-иқтисодиёт ва сервис касб-хунар коллежида «Чегара хавфсизлиги — юрт тинчлиги!» шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.

Фестиваль туман марказидан олис мактаб ўқувчиларининг ижтимоий фаоллигини ошириш, чегара ҳудудида яшовчи ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ва спорт мусобақаларини ташкил этиш орқали бўш вақтини мазмунли ва самарали ўтказишга қўмаклашиш мақсадида ташкил этилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари иштирокидаги давра суҳбатидида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди. Ўқувчи ёшлар қураш, арқон тортиш мусобақаси ҳамда расмлар танловида ўз билим ва маҳоратини синовдан ўтказди.

21-умумтаълим мактабида да-

вом этган фестивалда футбол, стол тенниси, шахмат мусобақалари ўтказилди. Танлов сўнгидида фаол ва ғолиб ўқувчиларга туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгашининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топирилди.

С.МАМАТВАЛИЕВ,

Чортоқ тумани ХТМФМТТЗ бўлими услубчиси

САМАРАЛИ САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ

очиқлик, ошкоралик ва адолатлиликни таъминлайди

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловни ўтказишда қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Сайлов жараёниларини қонунчиликка мувофиқ, тенг ва ҳолис ташкил этиш, сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурларини, мамлакатни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ривожлантиришга доир қарашларини фуқароларга етказиш, сайловчилар томонидан муносиб номзодларга овоз беришда сиёсий партиялар, уларнинг номзодлари олиб борадиган сайловолди ташвиқот тадбирлари муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз сайлов қонунчилигига сайловолди ташвиқотини олиб бориш, бу жараёнда сиёсий партиялар ва уларнинг номзодларига тенг шароит яратиш мақсадида қатор янгилликлар киритилди. Мухбиримиз ушбу ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти, жорий йилда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда сайловолди ташвиқотини самарали ташкил қилишнинг аҳамияти ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Ҳафиза КАРИМОВА билан суҳбатлашди.

— Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг янада такомиллаштирилгани юртимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириб, сайловчиларга, сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга сайловда эркин иштирок этиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратди. Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш мақсадида 2012 йилда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун қабул қилинди ва ҳаётга татбиқ этилиб, сайловолди ташвиқотини олиб боришда депутатликка номзодлар ва сиёсий партиялар учун тенг шароитлар яратилди.

Янги таҳрирда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 27-моддасида, шунингдек, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддасида сайловолди ташвиқоти тушунчасига таъриф берилиб, уни олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари белгилаб қўйилди. Сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият эканлиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

— Сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда сиёсий партиялар ва уларнинг номзодларига оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш борасида тенг шароитлар қандай таъминланади?

— Янги киритилган қонуний асосларга кўра, сиёсий партиялар ва улар

21-dekabr — Saylovlar kuni

томонидан кўрсатилаётган депутатликка номзодлар ўз дастурларини, шунингдек, мамлакатни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларига доир нуктаи назарларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши учун кенг ва тенг имкониятлар яратилган. Сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда оммавий ахборот воситалари тенг шарт-шароит ва имкониятлар принципига амал қилган ҳолда, депутатликка номзодларга, сиёсий партиялар вакилларига ўз эфир вақти ва нашр майдонини қонунда белгиланган тартибда тақдим этади.

Сайловолди ташвиқотида сиёсий партия дастури ва сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни ўзининг депутатликка номзодларини ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатади. У жамоатчилик олдидан мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, депутатликка номзод, сиёсий партия тўғрисидаги роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин.

Сайловолди тарғиботи оммавий ахборот воситалари, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан, интернет), босма, кўргазмалар, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини тарқатиш ҳамда сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмайди. Бу норма сайловчиларга ўз нуктаи назарларини аниқлаштириб олиш, қайси сиёсий йўлни маъқул деб топиб, ким ва қайси сиёсий партия ғояси учун овоз бериш тўғрисидаги масала юзасидан онгли қарор қабул қилишларига қўшимча вақт бериш имкониятини яратди. Шунингдек, бу қонуннинг мустаҳкамланиши овоз бериш арафасида турли хатти-ҳаракатлар ва қонунбузарликларнинг юз бериш эҳтимолини ҳам бартараф этишга хизмат қилади.

— Сайловлар янада ҳаққоний ва халқаро принциплар асосида ўтишини таъминлайдиган муҳим институтлардан бири бу — ишончли вакиллик. Кимлар ишончли вакил сифатида танланиши мумкин ва уларнинг вазифаси нималардан иборат бўлади?

— Сайлов жараёнига алоқадор барча жиҳат ва фаолиятлар қонунларда аниқ белгилаб қўйилган. Жумладан,

депутатликка номзод ишончли вакилларининг сайлов жараёнидаги иштироки, вазифалари тегишли нормаларда мустаҳкамланган.

Бугунги кунда сиёсий партиялар ва улар томонидан кўрсатилаётган депутатликка номзодларнинг дастурларини тарғибот-ташвиқот қилиш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ жараёнларда ишончли вакил институтига муҳим ўрин берилган ва уларнинг фаолияти тартибга солинган.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 27- ва 38-моддаларига мувофиқ, сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар рўйхатга олинган кундан бошланади. Демак, ана шу давр ишончли вакиллар учун ҳам муҳим ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 28-моддасида депутатликка номзод ишончли вакилларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, вазифалари ўз аксини топган. Унга мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод ўн нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Ишончли вакилнинг асосий вазифаси — номзоднинг депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритишдан иборат бўлиб, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек, сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қилади.

Демак, ишончли вакилликка танланган шахслар эл-юрт ўртасида обрў-эътиборга эга, ўз вазифасини пухта биладиган ҳамда номзод ҳақидаги барча маълумотлардан хабардор кишилар бўлиши зарур. Ишончли вакил сайловчи билан мулоқот жараёнида номзодга нисбатан ишонч уйғота олиши муҳим аҳамиятга эга. Агар мана шу жиҳатларини инобатга оладиган бўлсак, депутатликка номзоднинг муваффақиятга, қўтилган ижобий натижага эришиши кўп жиҳатдан ишончли вакилларнинг сайлов жараёнига қай даражада тайёргарлиги ва қандай фаолият олиб боришига боғлиқдир.

Шунингдек, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 26-моддасида депутатликка номзоднинг ишончли вакиллари ҳақидаги норма берилган. Ушбу қоидага асосан, Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод уч нафаргача ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Номзод рўйхатга олингандан кейин ўз ишончли вакилларини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга. Бу ҳақда у округ сайлов комиссиясига маълум қилиши зарур. Сайлов комиссияси ишончли вакиллари рўйхатга олади ҳамда уларга гувоҳнома топширади.

Жамиятда демократик ислохотларнинг қай даражада чуқурлашгани бевосита сайлов тизимига бориб тақалади. Сайлов жараёнилари мустақиллик асосида, қонуний, очик ва ошқорак ташкил этилган жойда қучли фуқаролик жамияти қарор топади. Шунинг учун мамлакатимизда яратилган қулай шарт-шароитлар, мустаҳкам ҳуқуқий асослар сайлов тизимини янги босқичга кўтариб, бу борадаги қонуний механизмларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ
суҳбатлашди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясида сайловолди жараёнини амалдаги қонунчилик талаблари доирасида ташкил этиш, уни фуқароларнинг фаоллигини таъминлаган ҳолда ўтказиш масалалари муҳокама этилиб, амалга ошириладиган тадбирлар дастури ишлаб чиқилди, — дейди вилоят сайлов комиссияси раиси Шокиржон Мирзааҳмедов. — Вилоят Кенгашига депутатлар сайловини ўтказиш учун 60 та сайлов округи тузилди ва округ сайлов комиссиялари таркиблари шакллантирилди. Ок-

ДЕМОКРАТИК МЕЗОНЛАР УСТУВОРЛИГИ

*сайлов
кампанияси
фаолиятининг
асосини ташкил
этмоқда*

руг сайлов комиссиялари таркибига округ ҳудудига яшовчи, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга кишиларни жалб этишга ҳаракат қилдик. Ҳар бир округда ўртача 28,5 минг сайловчи овоз бериши кутилмоқда.

Вилоятда 735 та овоз бериш сайлов участкаси ташкил этилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Сайлов жараёни билан боғлиқ тадбирларнинг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш, жараёндан аҳолини бохабар этиш, уларнинг фаоллигини ошириш мақсадида барча босқичлар ҳақидаги ахборот ва сайлов қонунчилигидаги янгилликлар оммавий ахборот воситаларида мунтазам эълон қилинмоқда.

Сайлов комиссиялари юртимизда кечаётган сиёсий жараёнларни қонунчилик талаблари асосида уюшқоқлик билан ўтказишда муҳим роль ўйнайди. Шу нуктаи назардан улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилгани, зарур шарт-шароитлар яратилаётгани сайлов кампаниясини очиқлик, ошқоралик ва адолатлилик принциплари асосида ўтказишга хизмат қилади.

Ғанишер АҚБАРОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Sinab ko'ring

Бугунги таълимдан кўзланган мақсад ўқувчиларни мустақил фикрловчи, ҳаётда ўз фикрига эга фаол шахсга айлантиришдир. Педагогик технологиялар бу борада муҳим аҳамият касб этиб, ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда фанларни ўқитишдаги интеграцион жараён ўқувчиларнинг фанлардан аниқ билим олишларига замин яратмоқда. Чунки фанларни ўқитишдаги интеграция қанчалик кучли бўлса, ўқувчиларнинг ҳар бир фан доирасида билим олишдаги ижодий фаоллиги шунчалик ортиб боради. Улар мустақил таълимга одатланади. Фанлар интеграцияси турдош ва бошқа фанлар орқали ҳам амалга оширилади.

Айтиш жоизки, ўқувчиларга юқори синфларда хорижий тилларни ўргатишни она тилига қийинлаш оқали олиб бориш яхши самара беради. Тил ўрганувчига ав-

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

ўқувчиларнинг хорижий тилларни ўзлаштиришини осонлаштиради

вал инглиз тили қоидалари, грамматикаси билан она тили фанидаги грамматик қоидалар ўртасида умумий ўхшашлик ва фарқлар тўғрисида қиёсий тушунча берилса, ўқувчиларнинг мавзунини ўзлаштириши осон кечади.

Таълим индивидуал, гуруҳли ва фронтал кўринишда ташкил қилинади. Уларнинг барчаси ўзига хос хусусиятлари билан аҳамиятли бўлиб, баъзан ўқувчилар фаолияти суст бўлса-да, мавзу ҳаракатига кўра ўзлаштириш даражаси самарали бўлади. Баъзан эса, аксинча, амалий характердаги дарслар ўқувчилар фаоллигини талаб қилади.

Этиборлиси, она тили машғулотида қўлланиладиган дарс бериш усул ва воситалари чет тилига жуда мос келади. Мисол учун, диктант, изоҳли ёзув, грамматик машқ, шунингдек, ўқитишнинг нонанавий усулларини инглиз тили машғулотида ҳам қўллаш мумкин. Бундай ёндашув ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларини фаоллаштиради. Муҳими, улар мавзу бўйича савол тузиш, савол-жавоб қилиш ва бошқа дидактик ўйинлар(бунга маълум вақт ажратилади, қайси гуруҳ тез ва кўп ёзса, ўша гуруҳ ғолиб ҳисобланади) орқали мустақил ишлашга ўрганади. Бу каби усуллар орқали биз ўқувчиларни мустақил ишлаш, инглиз тилида тўғри гапиришга ўргатамиз, энг асосийси, ўқувчилар мавзу юзасидан тўлиқ маълумотга эга бўлади.

Зеро, ҳар бир ўқувчи ўтилган мавзу бўйича аниқ тасаввур ва тушунчага эга бўлиш учун, уни дарслик ва китоб билан мустақил ишлай олишга, ўз фикрини бемалол айтиб, уни ҳимоя қила билишга ўргатиш ҳозирги таълимнинг муҳим талабларидандир.

Машғулот жараёнида ўқувчилар фаоллигини ошириш, мустақил фикрлаш ва ишлашга ўргатиб бориш, ўзини ўзи назорат қилиш, вақтдан умумий фойдаланиш кўзланган мақсадга етказиши, таълим сифат ва самардорлиги оширади.

Дилбар НИЁЗМУХАММЕДОВА,
Тошкент банк коллежи ўқитувчиси

Элмурод ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Миллий университети
магистранти

МУВАФФАҚИЯТ СИРИ — ТАЖРИБА АЛМАШИШДА

Урганч шаҳридаги 3-ИДУМнинг етти нафар ўқувчиси билимлар беллашувиинг республика босқичида муваффақиятли иштирок этиб, тўрт нафари соҳибини ўринларни қўлга киритди. Сирдан қараганда, барча зарур шарт-шароитларга эга таълим масканидан етти нафар ўқувчининг бундай беллашувда қатнашиши одатий воқеадек туюлиши мумкин. Бироқ аввал мактаб, кейин туман ва вилоят миқёсида юзлаб истеъдодли, билимли тендошларидан ўзиш учун болага пухта тайёргарлик зарур.

— 2012-2013 ўқув йилида бир ўқувчимиз беллашувининг республика босқичида иштирок этиб, 3-ўринни эгаллаган эди, — дейди директор Светлана Сафарова. — Бу йил совриндор ўқувчиларимиз сони тўрт нафарга етди. Бу ютуклар эришишимизда мактаб педагогик жамоасининг ҳиссаси катта.

Мазкур ўқув даргоҳи бундан тўққиз йил аввал ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабига айлантирилган эди. Ўтган давр ўқитувчи ва мураббийлар учун ҳақиқий синов, малака ошириш ҳамда изланиш йиллари бўлган рост. Педагоглар билими ва тажрибаси қайта кўриқдан ўтказилиб, бўш иш ўринларига салоҳиятли ёш кадрлар таклиф этилди. Бугунги кунда таълим муассасасида меҳнат қилаётган 84 нафар педагогнинг 13 нафари олий, 25 нафари 1-тоифали ва 27 нафари 2-тоифалидир. Улар орасида узоқ йиллик иш тажрибасига эга Рўза Рамазонованинг ўз ўрни бор.

Муаллиманинг ютуғи шундаки, ҳар бир ўқувчисининг феъл-атворини жуда яхши билади ва шунга қараб муомала қилади. Болаларга билиманини қайта-қайта ўргатишдан эринмайди. Шу йил билимлар беллашувида ўқувчиси Нигора Исқандарованинг рус тили ва адабиёти фанидан республикада 1-ўрин-

Изланиш ва самара

га лойиқ топилгани Рўза Рамазнова изланишларининг яна бир самараси бўлди.

Ҳар бир эътиборли ота-она фарзандининг билимли, кучли бўлишини исташ, шубҳасиз. Хоҳиш рўёбга чиқиши учун эса ҳаракат қилиш, аниқ мақсад сари қадам ташлаш зарур. Нигоранинг ютуқларида мактаб — оила ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш лозим. Ўқувчисида рус тили ва адабиёти фанига қизиқишни пайкаган Рўза Рамазнова у билан ас-

тойдил шуғулланди. Ўз ўрнида Нигоранинг ота-онаси билан ҳам муносабатни мустаҳкамлаб, фарзандининг фанга қизиқишини ошириш, шуғулланишига кўпроқ вақт ажратиш бўйича зарур тавсиялар бериб бори.

— Бултур билимлар беллашувида кутилган натижага эришмаганимиздан сўнг иш услубини ўзгартдик, — дейди директорнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари Нигора Аблаева. — Муайян вақтда очик дарс ташкил этишни йўлга қўйдик. Вилоятимиздаги мактабларнинг малакали педагогларини таклиф этиб, тажриба алмашаямиз. Баъзан одам ўз камчилигини кўрмаслиги мумкин. Четдан келиб кузатган киши эса тез илғайди. Биз пайқамаган хатоларни ҳамкасбларимиз кўрсатиб беришмоқда. Тажриба алмашиш чоғида ўқувчиларнинг мураккаб мавзуларни осон ўзлаштириши, хотирасида мустаҳкам сақлашига кўмак берадиган усулларни синаб кўраямиз. Натижа ижодий бўлмоқда.

Ўз устида астойдил ишлаган билимининг бойитган киши асло ютказмайди. 3-ИДУМ жамоаси бунини яхши билади. Шу боис, муваффақиятдан гурурланиб, бир жойда депсиниб қолишадигани йўқ. Янги ютуқларга эришиш учун қатъият билан олға интилмоқда.

Мафтуна РЎЗИМАТОВА

Хоразм вилояти

ЎҚУВЧИЛАР ҚАМРОВИ КЕНГ

Яқинда тиш ясайдиган устанинг иш жараёни билан танишишимизга тўғри келди. Бу хунар ҳам заргарона моҳирлик, чидам ва бардошни талаб этади. "Жуда майда иш экан, сабрингизга қойилман", дедим устга. Шунда у киши "Кичиналигимда жуда шўх ва беқарор бола эдим. Бир жойда тинч ўтиролмасдим. Бу "айбим учун дадам мени заргарлик тўғрагига олиб борди. Устозимиз биринчи навбатда диққатни жамлаш, ишга меҳр ва эътибор қаратишни ўргатди. Аввалига, тўғаракка боргим келмади, лекин дадамнинг қистови билан машғулотларга қатнай бошладим. Уч-тўрт марта боргач, заргарликка қизиқиб қолдим. Бирорта машғулотни қолдирмай, роппа-роса уч йил заргарлик сабоқларини ўргандим. Ўша тўғаракда ўрганган билимларим бугун жуда асқотаяпти. Тиш ясаида заргарлик маҳорати керак бўлар экан", деди.

Ўзбекистон туманидаги "Баркамол авлод" болалар марказига кириб борар эканмиз, тиш устаси билан бўлган суҳбатни эслаб, болани кичик ёшдан касб-хунарга йўналтириш нақадар муҳим аҳамият касб этиши хаёлимдан ўтди. Марказнинг янги ўқув йилидаги режаларни, ўтган даврда эришилган ютуқлар, ўқувчилар қамровини билиш мақсадида "Баркамол авлод" болалар маркази директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Феруза Жамоловага юзландик:

— 2011 йили ташкил этилган марказда 17 турдаги 35та тўғарак фаолият юритмоқда. "Ёш ўлкашунос", "Оила ва саломатлик", "Либослар дизайни", "Фотография", "Тўқувчилик", "Гулчилик", "Ёш қандолатчи", "Ёш нотик ва журналист", "Кўғирчоқ театри", "Ракс", "Инглиз тили", "Компьютер графикаси" каби тўғаракларда 770 нафар ўқувчи бошланғич касб-хунар сир-асрорларини ўрганмоқда. 2014-2015 ўқув йилининг бошланиши марказ ўқувчилари учун қўшалок байрам бўлди. Янги ўқув йили таъмирдан чиққан бинода бошланди.

Марказ тумандаги 21, 24-умумтаълим мактаблари, Қонизар агроасаноат касб-хунар коллежи педагогик жамоаси билан мунтазам равишда ҳамкорлик қилиб келади. Худуднинг географик кенглиги инобатга олиниб, марказдан узоқда жойлашган Нурсуҳ қишлоғидаги 5-умумтаълим мактабиди "Оила ва саломатлик", Пастқўриқ қишлоғидаги 22-мактабда "Мунчоқчи безак", "Либослар дизайни" тўғраги очилиб, касб-хунарга қизувчан ўқувчилар ўқишдан ташқари вақтларини мазмунли ўтказишмоқда.

Ҳар бир тўғарак хонаси эшигига "Мен энг яхши тўғарак раҳбариман" деган ёзув илб қўйилган. Бу мураббийнинг машғулотни жонли ўтказиши, ўз устида ишла-

Maktabdan tashqari ta'lim



шида муҳим аҳамиятга эга. У шу номга лойиқ бўлиш учун интилади, машғулот режаси ва ишланмасини мукаммал тарзда тайёрлайди. Машғулотни интерфаол усулда, жонли олиб боришга ҳаракат қилади.

Бугун қаерга қараманг, ҳовли, мактаб, иш жойини гуллар, манзарали дараклар, турли шаклдаги тош ва кафеллар билан безатиш урфга кирмоқда. Шу боис, марказда "Ландшафт дизайни" тўғраги очилди. Тўғарак 10 нафар ўқувчи билан иш бошлаганига қарамай, қизиқаётган ёшлар жуда кўп.

Феруза Жамолова 2014 йили марказ жуда кўп ютуқларга эришганини таъкидлади. Жумладан, "Кўғирчоқ театри" ва "Ёш нотик" тўғраги аъзолари "Бадиий нафосат" кўрик-танловининг республика босқичида иккинчи ўринни қўлга киритишди. "Яшил сайёрамаз тақдирини — ўз қўлимизда", "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз" кўрик-танловида марказ ўқувчилари олти йўналишдаги ишлари билан республика босқичида қатнашиб, "Тасвирий санъат" йўналиши бўйича иккинчи, "Электрон табриқнома" йўналишида биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

— Тумандаги 24-умумтаълим мактабининг 9-«Д» синфида ўқийман, — дейди Мафтуна Қаҳҳорова. — Марказдаги "Компьютер графикаси" тўғраги аъзосиман. Раҳбаримиз Гулирайно Сотволдиева бизга компьютер дастурлариди ишлаш йўл-йўриқларини батафсил ўргатмоқда. Келажақда ҳисобчи бўлмоқчиман.

"Баркамол авлод" болалар маркази Ўзбекистон туманидаги энг гавжум масканлардан бири. Жорий ўқув йилида марказ аъзолари ўз мураббийлари билан бирга юксак марраларни забт этишига аҳд қилишган.

Шарифа МАДРАҲИМОВА,
"Ma'rifat" мухбири

2014-yil 22-oktabr, № 85 (8734)

— Ойижон, мен галаба қозондим! — дея баралла қичкирганча югуриб келиб, онасини маҳкам қучади ўғил.

— Баракалла! — дейди меҳрибон она фарзанди елкасини силаб.

— Қаранг, ойи, мен қанча сафдошларимни ортада қолдирдим, — мактанган бўлади ўғил. — Қойилмисиз?!

У ўғлига жавобан секин бошини қимирлатиб қўяди. Фарзандининг голибона кўзларига боқаркан, мулоиймлик билан сўрайди:

— Сендан олдинда ҳам биров бормиди?

— Ҳа, — дейди ўғил нописанд. — Биттаси, атиги ярим қадам...

— Ундан ўзиб кетолмадингми?

— Ойи!.. — норозиланади ўғил, — ахир, мендан қанчаси ўзиб кетолмади-ку!..

Она мулоиймлик билан эътироз билдиради:

— Ҳеч қачон ортинда қолганларга қараб ўзингга баҳо берма, ҳамиша олдинда боқин-да, хулоса чиқар. Нега улардан ўзиб кетолмаганинг сабабини ахтар. Ҳолбуки, сенда бунга имконият етарли эди. Шуни билки, муваффақиятларга эришишни истаган одам фақат олға интилиб яшайди...

Ҳафиза опа ўзи бир умр амал қилган ана шу ақида-ни ҳамиша фарзандларига, ўқувчиларига, ҳамкасблари ва шогирдларига қайта-қайта ўқитишдан қарчмайди. Шу боис унинг қўлида тарбия топган ёшлар бугун юксак марраларни забт этишда ўзида қатъият ҳис қилади. Бугун у раҳбарлик қилаётган Бухоро шаҳридаги 17-умумтаълим мактаби нафақат вилоятда, балки республика миқёсида ҳам ўз нуфузига эга. Айниқса, кейинги уч йил таълим муассасаси жамоаси учун муваффақиятли бўлди. Мактаб ўқувчилари билимлар беллашуви, фан олимпиадаларидаги кўрсаткичи бўйича мамлакатимиз мактаблари орасида 5-6-ўринни эгаллаб келаётгани таълим масалани ўқитувчиларнинг изланувчанлиги, тажрибали ва билим бериш маҳорати юқори эканидан далолат. Беш ўқитувчи "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" республика кўрик-танлови голиби бўлди. Яқинда жамоа раҳбари Ҳафиза Бурҳонова ҳам "Йилнинг энг яхши мактаб директори" республика кўрик-танловида 1-ўринни эгаллади.

Ҳар бир ташаббус эътиборда

Мактабда бошланғич синф ўқитувчиси сифатида иш бошлаган Ҳафиза Бурҳонова шижоати, ғайрати ва изланувчанлиги билан тез орада жамоа эътиборига тушди. Муаллима ўнлаб ўқитувчиларни бир мақсад

йўлида бирлаштириб, мактабдаги методика бирлашмаси ишини намунали ташкил этишда ташаббус кўрсатди. Унинг изланишлари натижасида йўлга қўйилган бошланғич синфлар методика бирлашмасидаги узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тажрибаси республика миқёсида омалаштирилган. Ушанда у:

— Мен синфимдаги ҳар бир ўқувчининг илм нурларидан бирдек баҳра олиб, аълочи бўлишини истайман. Бир қарашда бунинг имкони йўқдек туюлади. Чунки болаларнинг ўзлаштириш қобилияти ҳар хил. Аммо ўқитувчи астойдил изланса, ҳар бир

жиҳатдан қуролланганига боғлиқ. Шу боис мактабда узлуксиз методик хизмат кўрсатиш ишларига катта эътибор берилмоқда. Ўқув йили якунида ўтказиладиган методика кенгаши йи-



майдонлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги буйруғига асосан 2010—2013 ўқув йилларида олиб борилган республика миқёсидаги тажриба-тадқиқот жараёни жамоа учун катта маҳорат синови бўлди. Тажрибада самарали деб топишган инновацион усул ва технологиялар фақат тегишли фан машғулотларида эмас, балки барча фанларни ўқитиш жараёнига татбиқ этилди. Тажриба-тадқиқот давомида экспериментатор ўқитувчилар ҳам бир қанча уйғунлашган таълим методларини яратишди. Жумладан, она тили фани ўқитувчиси

ОЛҒА ИНТИЛГАН ИМКОН ТОПАДИ

Бухоро шаҳридаги 17-мактаб жамоаси бунимамалда исботламоқда

ўқувчининг оламига кириб бора олса, бунга эришиш мушкул муаммо эмас. Бунинг учун ўқитувчидан юксак педагогик-психологик маҳорат, тажриба талаб этилади, — деганди.

Бугун Ҳафиза опа директор сифатида педагогик жамоадаги ҳар бир ўқитувчининг юксак салоҳиятли, билимдон, эртаимиз эгаларини тарбиялашда замондан ҳамиша бир қадам олдинда юрадиган ҳақиқий устоз бўлиши учун тажрибали ўқитувчилар фаолиятини ибрат қилиб кўрсатади. У "Йилнинг энг яхши мактаб директори" кўрик-танловига тақдим этган "Келажак мактаби" концепциясида ҳам айтиш шунингча илгари сурган. Ҳамжиҳат, изланувчан, фидойи, педагогик маҳорати юксак ўқитувчилардан ташкил топган жамоада соғлом муҳит ҳукм суради. Бундай муҳитга эга мактаб доим пешқадам бўлади.

Айни пайтда мактабда 64 ўқитувчи фаолият олиб бормоқда. Кейинги йилларда эришилаётган ютуқлар саломатини ошатишга асосий сабаб ҳар бир натижанинг, ташаббуснинг қўллаб-қувватланиши, камчиликлар ўз вақтида аниқланиб, таҳлил этилгани ҳамда бартараф қилишга жамоавий киришилганидир.

Методик ёрдам таълим сифатини юксалтиради

Ўқувчиларнинг билим самарадорлиги юқори бўлиши педагогик жамоанинг илмий салоҳияти, методик

гилишида ҳар бир методика бирлашмаси раҳбарининг хисоботи тингланб, педагогик кенгашга тақдимотлар тайёрланади. Ўқувчиларнинг фан йўналишларида ўқув йили давомида ўзлаштирган билимлари мониторингини таҳлил этилади. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг эришган ютуқлари, "Устоз-шогирд" тадбирлари доирасида бажарилган ишлар, педагогларнинг жамоат ишларидаги жонбозлиги ҳам ҳисобга олинади. Бу тарзда мониторинг олиб борилиши методик кенгашнинг жонли, таъсирли, объектив ишлашини, доимий ҳаракатда бўлишини таъкидлаб, методика бирлашмалари ўртасида соғлом рақобатни юзага келтиради. Бу ўқитувчиларни ташаббускорлик ва талабчанликка, иходий изланишга ундайди.

— Қайсидир мактабда янги ташаббусга қўл урилганини эшитсам, дарров ўрганишга шошиламан, — дейди Ҳафиза опа. — Агар бевосита кузатиш имконим бўлмаса, ўқитувчиларимизни жалб этаман. Кейин ўша тажрибани жамоада кенг муҳокама қиламиз. Янгиликдан барча ўқитувчилар хабардор этилади. Бу педагогларимизнинг маҳоратини оширишга ёрдам беради. Мактабимизнинг тажриба-синов майдончаси этиб белгиланиши ҳам муаллимларимиз масъулиятини қучайтирди.

Айтиш жоизки, Халқ таълими вазирлигининг "Илғор педагогик технологиялар бўйича тажриба-тадқиқот

Ф.Аҳадованинг "Сонлар тилсими", бошланғич синф ўқитувчиси Нафиса Сафарованинг "Ҳарфлар тилга кирганда", география фани ўқитувчиси Н.Холбоевнинг "Материқларга саёҳат", иқтисодий билим асослари фани ўқитувчиси М.Муҳсинованинг "Ҳар болага бир савол", тарих фани ўқитувчиси Ф.Баратованинг "Ким мени топади?", она тили фани ўқитувчиси З.Ёдгорованинг "Тилсимли сўз ва иборалар" каби усуллари амалиётда ижобий натижа бериб, ўқувчиларнинг фанга қизиқишини оширишга хизмат қилмоқда.

Ютуқларга ёлғиз эришиб бўлмади

Ҳафиза Бурҳонова ўқитувчилик пайти режалаштирган барча ишларига вақтида улгурар эди. Аммо раҳбар бўлиб ишлай бошлагач, ҳарчанд елиб-юғурмасин, куйиб-пишмасин, вақт унга бўйсунмай қўйди. Шунда англаб етдики, директорнинг ёлғиз ўзи ҳеч нарсасга эришолмайди. Ҳолбуки, мактабда 1300га яқин ўқувчи таълим олади, ўқитувчилар эса олтидан ошди. Уларнинг ҳар бирини назорат қилиш, ташкилотчилик, ҳўжалик ишларини юритиш — булар бир киши ундайладиган иш эмас. Демак, ишни пухта режалаштириш, директор ўринбосарлари ва педагогларнинг вазифаларини аниқ белгилаб бериш, назоратни ўз вақтида олиб бориш лозим.

Мактаб муҳитининг соғломлиги ҳам ҳар жиҳатдан раҳбарга қўл келади. Агар

Мактаб муҳити

директор аниқ мақсад йўлида жамоани бирлаштира олмаса, муваффақиятларга эришишда ибрат кўрсатмаса, янги ташаббусларни қўллаб-қувватламаса, қўтилган натижага эришиш мушкул. Ҳафиза опа ҳар бир ходимга раҳбардек эмас, балки дўстдек муомала қилади. Педагогик фаолияти ёки шахсий ҳаёти билан боғлиқ муаммоларини эринмай тинглайди, уларни бартараф этишда ёрдамини аямайди. Директор ҳар бир ишнинг бажарилишида бевосита ўзи иштирок этади. Айниқса, ўқувчиларнинг интеллектуал беллашувлар, турли кўрик-танловларга тайёрланиши, энг иқтидорли ва билимлиларни саралаш жараёнларида доим ўқитувчилар ёнида бўлади.

— Кузатувларим давомида ўқитувчилар ишига баҳо бераман, ўқувчиларга эса танловлар арафасида далда бўламан, — дейди мактаб раҳбари. — Бу ўқитувчига ҳам, ўқувчига ҳам "Директорнинг ўзи қизиқаяптими, демак, яхши натижани қайд этишим керак", деган масъулият юклайди, ўзига ишончи ортади. Баъзан ходимлар билан ақинлигим раҳбарлик қоидаларига мос тушмасмикан, деган иккиланиш ҳаёлимдан кечарди. Аммо шу ўқув йили арафасида август кенгашларида бир ибратли воқеани эшитдим-у, тутган йўлим хато эмаслигига ишонч ҳосил қилдим. Ўша воқеанинг мазмунини шундай: ярим тунда атрофни назорат қилиб юрган генерал соқчиликда турган аскарнинг қўлида милтиқ билан ухлаб қолгани устидан чиқади. Қоидага биноан бундай хато аскарга шафқатсиз жазо олиб келарди. Аммо генерал аскарнинг қўлидан милтиқни эҳтиёткорлик билан олиб, ўша тунда ўзи наватчилилик қилиб чиқади. Соқчилар ўрин алмашадиган пайт бошқа бир аскар келиб қараса, генерал соқчиликда турибди. Бу гап бутун гарнизонга тарқалади. Шундай генерал учун эса аскарлар жонларини ҳам аямайдилар...

Мамлакатимизда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш борасидаги ислохотларнинг ҳаётга татбиқ этилишига хисса қўшиб келаётган Ҳафиза Бурҳонова сингари фидойи, жонқуяр ва ташаббускор педагоглар кўп. Уларни бир мақсад — фарзандларимизни юксак салоҳиятли, эртанги кунимизнинг муносиб эгалари этиб тарбиялаш иштиёқи бирлаштириб турибди. Ана шу мақсад йўлидаги муштараклик 17-мактаб жамоасининг ҳам жипслаштириб, бир тану бир жон бўлиб ишлашга, изланишга ҳамда янги-янги ютуқлар сари олға интилишга ундамоқда.

Ирода ОРИПОВА,
"Ma'rifat" мухбири

ТИЛ, ТАРАҚҚИЁТ ВА МАЪНАВИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Истиқлол йилларида юртимизда барча соҳаларда бўлгани каби она тилимиз тараққиётида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. Ўзбек тилининг халқаро миқёсдаги нуфузи ошиб, фаол мулоқот воситасига айланиб бормоқда. Турли даражадаги расмий учрашувлар, музокараларда тилимиз кенг қўлланилаётгани, хориждаги кўплаб университетлар, илмий муассасаларда ўзбек тили марказлари ташкил этилиб, уларда она тилимизни ўрганишга қизиқувчилар сафи тобора ортиб бораётгани бунинг аққол далилидир.

Япониялик талаба Юна Хирота Токио чет тиллар университетини тамомлаб, Тошкент давлат шарқшунослик институтини ўзбек тилини мукаммал ўрганмоқда.

Тадбирда юртимиз ва хорижлик та-

лабалар мумтоз шеърятимиздан намуналарни ўқиб бердилар. Санъат усталари ва ижрочи ёшлар, болалар бадий жамоалари иштирокида концерт намойиш этилди.

* * *

Шу куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ҳам "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинган кун муносабати билан «Она тилим — жон тилим» мавзусида маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда таъкидланганидек, истиқлол йилларида навқирон авлоднинг миллий аъёни ва қадриятларимиз, она тилимизга эҳтиром руҳида қамол топтиришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбек адабий тили равақини буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг беназир иқоди, илмий-маърифий фаолиятдан айри тасаввур этиб бўлмайди. Мазкур зиё маънасида ўзбек тилининг тараққиёт босқичларига оид кўплаб нодир асарлар, қўлёзмалар, тилшуносликка доир китоблар, аудио материаллар сақланади.

Тадбир доирасида ўзбек тилшунослигига оид китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

“Ғўс” ҳақида

Жўрам Салим билан Ургутнинг “Ғўс” қишлоғига кўпқарига бордик. Кўклам эди. Ғўс тоғли қишлоқ бўлиб, анчайин совуқ жой экан...

Қайтаётиб опам(онам)нинг бир гапи эсимга тушди:

— Хоқонни ташлаб кетинглар, — ҳамалнинг бошида синглимникига қидираётгудик, икки яшар ўғлимни назарда тутди. — Санобарларникида газ йўқ, уйлари ғўс бўп кетган. Шамоллатиб қўйсилар.

Дарҳол, тубчикладим: — Опа, “ғўс” деганингиз нима? — Э-э, қайдан биламан! Ўт ёқсаям, меҳмонхонасида тизсанг музлаб, этинг учиб кетаверади.

Кела-кела ўйладим: “Ғўз” ёки “ғўс” муздай жой дегани эмасмикан? Яна, ким билади? Харҳолда, кашшофини қутиб ётибди бу сўз!

Сума — суман — саман

От ҳақида китоб ёзаман деб кўп қизиқ сўз ва истилоҳларни учратдим. Шулардан бири — “саман”. Бу бугдой-ранг ёки сариқ от дегани.

“Саман” шаклида Умар Хайёмнинг “Наврўзнома”сида қўриб, форсча деб ўйловдим. Аммо Абдусаттор Жуманазарнинг “Сумалак” сарлаҳали мақола-сидан нимадир топоним деб ўйладим: «Муаммо ечими улуг аждодимиз, туркий тилшунослик илми отаси аллома Махмуд Кошғарийнинг хижрий 469 йили(1076/1077) ёзиб тутатган “Девони лугатит турк” китобидан топибди. Асарнинг III жилдида(253-бет) “сума” сўзига: “Ивитилган бугдой номи. У қуритилиб, тўйилади. Сўнг ундан угра ош ва нон тайёрланади. Шарбат олиш мақсадида ундирилган арпа учун ҳам шу сўз қўлланади”, деб жуда тушунарли изоҳ берилган, — деб ёзади муаллиф.

— “Сума” сўзининг ўзига тўғраламиз. У мустақил маъно англатувчи икита: “сув” ва “ман”(дон) сўзининг бирикувидан ташкил топган экан... Қишда қор суви эриб, том шифтида пайдо бўладиган муз “сумалак” эса, “сув” ва “буламак”, “буламак”, “булатмак” сўзлари қўшилиувидан шаклланган... Тиниқ сувга бошқа нарсанинг аралашуви хусусияти икки сумалакка ҳам тегишли, яъни улар буланган сувлардир. Бу мазмунни дарах танасидан оқиб чиқаётган қуюқ суюқлик — “симола” сўзида ҳам кўриш мумкин.

Минг йил бурун ёзилган манбадаги ушбу ахборотлар “сумалак” сўзини келтириб тушуниб олишимизга етарли бўлди-«ЎзАС», 2014, 28 март).

Бор бўлинг, домла! Менингча ҳам шундай. Чунки синчи элимиз самани бугдойранг(асосан ёл-қуйруғи қора бўлади) ва тилларанг(ёл-қуйруғи оқ ёки сарик) деб иккига ажратди.

Тарих бошида аждодларимиз бугдой тусли ва арпаранг (эътибор беринг: “Ундирилган арпа учун ҳам шу сўз қўлланади!”) отларни “саман” деган Сўзнинг ядросидан узоқлашгани кўриб турибди: Сума — суман — саман:

Мингйиллик сўз

Бир куни опам қўшимчи Ойбаҳор-чечна ҳақида гапира туриб:

— Анзират гапираверса, Ойбаҳор тобсиз, лабини буриб, тумшук қилади, — деди.

Кўп ўйладим: “тобсиз” ёки “топсиди” қандай маъно бера экан деб. Ишла-тилиши жумладан аён.

МИНГЙИЛЛИК СЎЗ

Махмуд Кошғарийнинг “Девону лугатит турк” асарида: “хасад қилди” маъносига келган табздач сўзида бч сўзи бор экан.

Қизиқ! Салкам минг йилдан бери таомилда яшаб келаяпти!

Дадамдан эшитганим

Икки минг учинчи йилмида ёки тўртинчи, ишқилиб, университетда тўлов-шартнома билан ўқирдим. Шу йили қўтонимизга тўл яхши келмади. Яна, эрта кўклам уч-тўртта новвосимиз дамлаб ҳаром қотди. Ёз охирида бу йилги тўлов-шартномани олиб кетиш учун Токентга келдим. Қишлоққа қайтсам, уйдагилар биядай сирғимизни ҳалоллаб, терисини ши-лаётган экан.

— Қанча бўпти? — сўради говмиш этини қаранга осаётган дадам.

Айтдим. Бир пас жим қолди-ю: — Бекора “Камбағал тезак термоқчи бўлса, моллар сувга тезаклайди” демаган-да! — деб ўзига ўзи гапиринди азбаройи руҳи тушганлигидан.

ОНА ТИЛИГА ҲУРМАТ — ВАТАНГА САДОҚАТ

Тил — миллий ўзликини англаш воситаси, миллат руҳияти кўзгуси. Шу боис она тилимизнинг ёш авлодга ўргатиш, мурғак қалбларини унинг бекиёс жозибасидан баҳраманд этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 25 йиллиги муносабати билан Халқ таълими вазирилик тасарруфидаги таълим методикасини такомиллаштириш, дарслик ва қўлланмалар мазмунини бойитиш борасида фикр алмашишди.

— Ўқувчиларнинг она тилига нисбатан ҳурмати улар қалбида миллий қадриятларимизга ҳурмат, Ва-

Кейинчалик мақолни суриштириб юрдим. Хулосаларим мана бундай: қипчоқ лаҳжаси шеваларида қўлланилади; иши юришмай, омади кетган одамнинг руҳий ҳолатини яхши ифодалайди; Самарқанднинг Булунгур, Қўшрабат, Жиззахнинг Ғаллаорол, Бахмал туманларидаги даштликлар тилида учрайди.

Чорвачилик тушунчалари

Илмий адабиётларда чорвани “май-дана йирик шоҳли хайвон” деб икки хил билан атайдилар. Серсолиб қарасам, тилга уста элимиз тубдангаича номларкан буларни: ушоқмол ёки ушоқжон — қўй-эчки, қўзи-улоқ; қорамол — сиғир, тана, бузоқ ва ҳоказо.

Кўпни кўрган чўпонлар ва қирқим пайтидаги хангомалардан ушоқмолга доир бир неча терминни тўпладим. Мана улар: **қўй** — умумлаштирувчи, жамловчи ном; **қўчқор** — эркак қўй; **дағар** — бовуға қўйилган қўчқор; **қўзи** — умумий маънода қўй боласи; **ишшак**

— икки-уч ёш орасидаги эркак қўй; **чори** — тўрт ёшли эркак қўй; **панжи** — беш ёш қўчқор; **монги** — олти ёшдан ўтган қўчқор. Айтишларинча, “монги”га чиққан қўйнинг эти қотиб кетар экан. **Тўкли** — иккига чиқаётган ургочи қўй; **совлик** — икки-уч марта ёки ундан кўп қўзилган қўй; **биграғай** — эгиз туғилмаган қўзи ёки улоқ; **эгиззак** — иккитадан тўрттагача ёки ундан ортқ туғилган ушоқмол; **така** — эчкининг эрқаги; **серка** — бичилган, ахталанган эркак эчки; **бичма** — ахталанган қўчқор; **улоқ** — эчки боласи; **чибиқ** — олти ойлик ургочи эчки; **тўл** — қўзилатиш маъсуми; февраль-март ойларига тўри келади. **Уруғлик** — совликларни қочириш учун танланган қўчқор; **қирқим** — ушоқмолнинг жунини олиш маъсуми, май ойида бўлиб ўтади. **Чоракор** — ёрдамчи чўпон ёки шоғирд; **қўтон** — ушоқмол сақланадиган қишлоқ жой; **қамов** — ушоқмол сақланадиган ёзлик жой; **хтак** — совлиқ тишининг емирилиши. Яъни хтак совлиқ — жуда қари қўй дегани. Қўйнинг ёши ўтавергани сайин тишлари кемтилиб, хтаклашади. **Тўбал** — оқбош ёки бошида оқ доғи бор қўй; **кал**

— шохсиз ушоқжон; **чалғара** — майда қора доғлари бор оқ қўй. Жунни хари-дориг бўлмайди. Илқининг чипор рангига мос келади. **Кулали** — ушоқмолнинг қизғимтир-кулранг туси; **симоби** — қўйларнинг симоб ранглиси; **кетмонқуйруқ** — думбаси юмалоқ ва катта, сўқиллаб пастга осилиб тургич қўй; **гадик** — думли қўй. Қорақўл қўйлари гадик бўлади. **Қилчиқ** — қўйнинг қаттиқ ва қилхуса, тутамлаганда бирикмайдиган жун; **бовуқурт** — ушоқжоннинг жигар касаллиги. Илмий тилда “эхинокк” дейиларкан. **Овсин** — тўёқ касаллиги. Овсин оққан ушоқмолнинг туёқлари орасидан қўтир чиқиб, вақтида эмланмаса, ириб кетаркан.

Чорвачиликнинг изоҳли лугатини тузадиганлар шуларни эътиборга олишар.

Момоннинг афоризми

Аброр акам учинчи марта қизли бўлди. Ўғилга хавасмандлигидан бироз хафалиги бор.

ни паққос туширади-да, кейин хансираб қолади, — табиб куйиниб давом этди. — Шунинг ўрнига шўрвасидан бир қозонини ичмайдими, бори қайнатмага чиқади-ку этнинг!

Сўнг фойдасини тушунтирди: — Мана, ақллилар гўштни қайнатиб сотади, лекин бульони(шўрваси де-моқчи)ни тиллоғаям бермайди! — фикрига мисол келтирди. — Чунки улар қайнатманинг ноёб хусусиятини билади-да...

Ҳамроҳим гапирапти-ю, хаёлим бошқа жойда.

“Эт — этга, шўрва — бетга”, деб икки қосадан қайнатма ичирарди катта отам (бизда бувани каттаота дейишди) уйимизда қулчатоқ бўлган кезлари. Яна тобимиз қочганда “Иссиқ ичиринглар”, дерди кўпни кўрган катта энам. Демак, аждодларимиз яхши билишган: сафардошим таъкидлаган “қайнатманинг ноёб хусусияти”дан хабари бўлган.

Шуларни акага айтгим келди-ю, истихола қилдим.

Хартугул, уям қайсидир маънода ҳақ эди...

Тилнинг жони бор

Қозоқбой Йўлдошевнинг ўғли Жалолбек ака билан “Калтабақай” ҳикоямини чоп этишга тайёрлаётгудик. Қандайдир сўзнинг устида баҳс бошланди.

— Хафа бўлманг-у, сиз — ёзарманлар жонсиз, бегона ва жимжимадор тилда ёзишни хуш кўрасизлар! — деди у норози оҳангда. — Ҳар қанча тикиш-тирманг, ўзга ва бежон тил таомилга сингмайди.

Кейин санаб кетди: — “Ахлат” ёки “ахлатхона” дейсизлар, халқ эса “қўқим” ёки “супринди”ни ишлатади. “Шарк” ёки “Ғарб” деб ифода-лайсиз дунё томонларини. Жонли таомилда “қунчиқиш” ёки “қунботиш” дейилади. Хатто “қунорар”, “қункора” тарзида “шимол” ва “жануб”нинг ҳам ўзбекчаси бор. Русча “Оптовый рынок”ни ушундан-узоқ қилиб “Улгүржи савдо мажмуаси” деб ўгиргансизлар.

Анвар СУЮНОВ

ЎҚИТУВЧИ МУЗЕЙ ХОДИМИГА АЙЛАНДИ

Ўзбекистон тарихи давлат музейига кириб келган ўқувчиларнинг ҳайрати бир дунё. Эҳтимол, улар аввал ҳам бу ерга келишгандир, аммо бу галгиси музейда ўтиладиган саёҳат дарси бўлгани учун бошқача иштиёқ билан ўқитувчи Бобур Мўминовга қараб кўйишарди. Чилонзор туманидаги 90-умумтаълим мактабининг 7-синфида ўқийдиган 25 нафар ўқувчини бу ерга бошлаб келиш ва «Ўзбек тилим — она тилим» мавзусида амалий машғулот ўтказиш ёш ўқитувчи учун ҳам мароқли.



Amaliy mashg'ulot

Фарангиз
Фозилова,
7-А синф
ўқувчиси:

тарих фани зиммасига тушса, қайси давр бўлишдан қатъи назар, ота-боболаримизнинг муомала ва мулоқот воситаси она тилимиз бўлган. Бугунги саёҳат дарсида ана шу узвийликни тарих ва она тили фанлари орқали интеграциялаштирдим. Мустақил давлат — Ўзбекистоннинг ташкил топиши, миллий давлат-чилигимизга оид барча тарихий маълумотларнинг музейда ўзбек тилида қайд қилинганлиги ўз олдими қўйган мақсад-муддаомга ҳамоҳанг бўлди, — дейди Бобур Мўминов.

Дарс ниятисига етди, ўқувчилар музейни тарқ этгиси келмаётгандек, устозларига дамба-дам қараб қўйишарди. Аммо вақт чекланган, муҳими бу ҳам эмас, синфда ўтилган анъанавий дарсдан кўра, музейда ўтилган жонли сабоқнинг аҳамияти устунроқ.

Хулкар ТҶИМАНОВА
«Ma'rifat» мухбири
Владимир ГРАНКИН
олган сурат.



Кўшработ туманидаги 86-умумтаълим мактабида “Тил миллат кўзгуси” мавзусида адабий-бадий кеча ўтказилди. Тадбирда туман мактабларининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари, маҳалла фолклари, ота-оналар ҳамда юқори синф ўқувчилари иштирок этди.

— Тил миллатнинг бойлиги ва бебаҳо мулкидир, — дейди мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Жўракул Искандаров. — Ўғил-қизларни равоқ сўзлашга ўргатиш, оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш улар қалбида она тилига ҳурмат ҳиссини шакллантириб боради. Ўқувчиларга

— Тил миллатнинг бойлиги ва бебаҳо мулкидир, — дейди мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Жўракул Искандаров. — Ўғил-қизларни равоқ сўзлашга ўргатиш, оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш улар қалбида она тилига ҳурмат ҳиссини шакллантириб боради. Ўқувчиларга

Октябрь — она тили ва адабиёт фани ойлиги доирасида Зарбдор туманидаги таълим ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган 1-умумтаълим мактабида «Тил билганга дунё кенг» мавзусида тадбир ўтказилди. Мазкур муассасада турли миллат вакилларидан иборат 964 ўқувчи таълим-тарбия олмақда. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 25 йиллиги муносабати

МИЛЛАТ РУҲИ УНДА ЖО

ҳар бир дарсда ўзбек тилининг жозибаси, алломаларимиз қолдирган маънавий мерос ҳақида маълумот бериш ёш авлоднинг аждодларимиз иқоди-ни пухта ўрганиб, ўзлигини англашига хизмат қилади.

Тадбир давомида тил ҳақидаги ҳикматли сўзлар билан безатилган деворий газеталар кўргазмаси ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди. Ўзбек, рус, инглиз тилларида янграган шеър ва қўшиқ, сахна кўринишлари байрамга кўтаринки қайфият бағишлади.

Гулюз ОРИФЖОНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

соллар билан очиб берилди. Мактабимиздаги 9та синфда таълим рус тилида олиб борилади. Улар ўзбек тилини меҳр ва ҳурмат билан ўзлаштирмоқда.

Тадбир давомида синфлар кесимида савол-жавоблар, интеллектуал ўйинлар, расмлар танлови, очик дарслар ташкил этилди.

Абдусаттор СОДИКОВ,
«Ma'rifat» мухбири



Тил — дилларни дилларга, элларни элларга боғловчи ришта. Она тилини севган инсон борки, у Ватанини севади, юртини кўз қорачигидек асрайди. Юнусобод туманидаги 272-мактабда «Она тилим» баҳтим менинг» мавзусида уюштирилган тадбирда 6-синф ўқувчилари тилимизнинг нақадар бой ва гўзаллигини ўз қишлоқларида тараннум этди.

Тадбирда шоира Умида Абдуазимова иштирок этиб, ўқувчиларга тилимизнинг бой тарихи, ундан тўғри ва ўринли фойдаланиш кераклиги ҳақида сўзлади.

Иштирокчилар она тилимиз учун хисса қўшган улуг бобокалонларимиз

Millat mulki

Даллолларимиз “Битта-битта бичайми ёки кўтарасига савдо қиламизми?” деб сўрайди, мабодо бозорга беш-ўнта мол туширсангиз. Демак, “Оптовый рынок” ўзбекчасига “Кўтара бозор”...

Эътироз ўринли, мисоллар кўп эди. Эсимда қолганларини ёздам.

Ўйлаиб қолдим. Ёзарман ота-онаси, қариндош-уруғи, борингки, қишлоғининг тилида ёзгани маъқулмикан(шевага хос фонетик ҳодисаларни назарда тутмайман). Ваҳоланки, туркий(ўзбек) деб аталмиш серуруғ элат минг йиллар ilgari икки оғиз жумлада бир-бирини англаган. “Девони лугатит турк”, “Қутадғу билиг”, “Хибаат ул-хақойик” битилган кезлари бизникидек формал тил бўлмаган-ку!

Менингча, тилининг жони бор. Жонсиз жумалар, Жалолбек ака айтганидек, китобхон кўнглига сингмайди.

«Солар» эмас, «салар» денг...

Таниқли фольклорчи олим Шомирза Турдимовниқига “Моҳият”га суҳбат тайёрлайман деб борувдим. Ўзбек фольклори ва маданиятига доир қизиқ хангомаларни айтиб берди.

Мени ҳайратга солганларидан бири мана бу:

— Ўзбек — серуруғ эл. Уруғлар аймоқларга, аймоқлар тармоқларга, тармоқлар майда шохларга бўлиниб кетади, — дея гап бошлади домла. — Қизиги, ўзбекнинг дунёқарashi, тутуми, қасб-қори мақолу маталларимизга сингиб кетган.

Қай тарзда демишдай қарайман. — Масалан, “Сан салару ман салар, отга емишни ким солар” мақоли салар тилидан умумтуркийга ўтган, — ака гапирапти-ю, вуждим қулоққа айланиб борапти. — Манбаларда улар чавандоз ва йилқич эл бўлгани қайд этилган. Нақлнинг “Сан салару ман салар...” қисмидаги “салар”ни “солмоқ” феъли деб тушунмаслик керак. Юртимизда илдиш саларга бориб тақаладиган жуда кўп этнотопонимлар бор. Тошкентнинг Салар ариғи шу уруғ номидан олинган...

Материал эълон қилинганда шу гап қўлиб кетган экан. Яқинда ёндафтаринида қўриб, гурунгимизни батафсил эсладим.

Мактаб

Асилбек ва Олим 1-синфлигида тарта талашиб ўришиб қўлишди. Иккиси ҳам энг олдинда ўтирмани, дейди. Лекин бирга ўтиргиси йўқ. Шундан сўнг ўқитувчилар бу қайсар болаларни «А» ва «Б» синфга жойлаштиришди. Бироқ икки ўраваонинг жанжали тугамади: улар гоҳ танафусда, гоҳ уйга кетишида бирор бахона топиб, ишқал чиқарарди.

Болаларнинг гавғоси кун сайин катталашиб, уларни муроаса келтириш синф раҳбарларининг қўлидан келмай қолди. Шундан сўнг ўқитувчилар икки жанжални директорнинг қабулига олиб киришди.

— Иккаласининг ҳам ота-онасини чақиртириг! Бу масалани улар билан биргаликда ҳал қилмасак бўлмайди-диганга ўхшайди, — деди қуяниб мактаб директори.

Оила

Ота-оналар мажлиси. Асилбек ва Олимнинг жанжали тўғрисидаги хабардан бача ташвишда. Ота-оналар ҳам сира бўш келишни истамас, борган сари даҳанаки жанг кучайиб борарди.

— Ўғлим эрка ўсан! — деди Олимнинг отаси. — Керак бўлса, биринчи партани сотиб олиб бераман. Шунга муаммо қилиш керакми?

Асилбекнинг дадаси ҳам индамай қўя қолмади.

— Нега менинг ўғлим юзи шилиниб уйга бориши керак? Кечагина янги костюм олиб берганим, расвосини чиқарибди.

Бамаслаҳат бартараф этилиши керак бўлган муаммо ота-оналарнинг тушунмовчиликлари оқибатида янада зўрайиб бораверди. Дастлаб болалар, энди бўлса катталар шовқин кўтариб, бир-бирини ҳақоратлаши афсусланарли эмасми?

Директор уларни муроаса келтиришнинг йўлини топгандек бўлди.

Маҳалла

— Боланинг ёнини олиб, муаммони зўрайтириш кап-катта кишиларга ярашмайди, — деди маҳалла раиси. — Кишилар ўришган бўлса, катталар яраштириш керак. Бундай муаммолар ўзaro ҳамкорликда, хотиржамлик билан ечилади. Уруш-жанжал орага совуқчилик туширади.

Маҳалла-қўй орасида алоҳида журмат-этиборга эга оқоқолнинг тушуштириларида сўнг ота-оналар анча

мулзам бўлиб, бир-биридан кечирим сўрадилар.

— Буни қаранг-а, болаларнинг орасига тушиб аҳмоқлик қилибмиз-а! — деди Асилбекнинг онаси. — Кечирасизлар.

— Ҳечқиси йўқ, — деди Олимнинг онаси уялиқираб. — Биздан ҳам хатолик ўтди, уэр.

Уч томонлама ҳамкорлик

Бу муаммо бир қарашда оддий, кўпчиликнинг аралашувисиз ҳал этиладигандай туюлади. Бироқ баъзи пайтларда оддий нарсалар мураккаблик туғдиради. Юқоридаги вазиятнинг яхшилик билан тугаши «Оила—маҳалла—таълим муассасаси» ҳамкорлигининг мевасидир.

— Хар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, шубҳасиз, оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг ўрни ва аҳамияти беқийс, — дейди Халқ таълими вазирлигининг маънавий-ахлоқий

йўғини ҳузурида фаолият юритаётган «Ота-оналар университети» бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширади. Уч томонлама ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида «Орас-та қиз ёндафтарчаси» ҳамда «Баркамол авлодни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги механизми» номли услубий қўлланмалар чоп этилиб, бача таълим даргоҳлари-га етказилди.

Дарсга сабабсиз келмаётган ёки мунтазам қатнашаётган ўқувчиларни аниқлаш ва уларга тегишли чора кўриш мақсадида Халқ таълими, Ички ишлар вазирликлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИХ ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида хар чорада «Ўқувчи», «Ўсмир», «Давомат», «Ғамхўрлик», «Ойна» каби профилактик-огоҳлан-тирув тадбирлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Республика бўйича тарбияси оғир ва ўзлаштириши паст бўлган 2078 нафар (2013 йилда 2253 нафар) ўқувчи ҳақида маълумот банки яратилди. Улар-

БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

Уларнинг таълим-тарбиясига бarcha бирдек мас'улдир

тарбия бўлими бошлиғи Жамолитдин Камолов. — Уч томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада такомиллаштириш мақсадида 2012 йил 19 июнда Вазирлар Маҳкамасининг «Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзарo ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат асосида ташкил этилган «Оила—маҳалла—таълим муассасаси» ҳамкорлиги жамоат кенгаши мана, икки йилдан буён аҳамиятга молик ишларни амалга ошириб келмоқда. Кенгаш аъзолари томонидан таълим муассасаси ва маҳаллаларда «Оила — муқаддас тушунча», «Оилавий анъаналар», «Маҳалла ва оила маънавиятининг мустаҳкамлиги», «Ота-она — оила таянчи» каби мавзуларда турли тадбир ва учрашувлар ўтказилмоқда. Бундан ташқари, фуқаролар

нинг 369 нафари фан тўғрақларига, 783 нафари қизиқишлари бўйича турли машғулотларга ва 926 нафари спорт секцияларига жалб этилди.

— Хар қандай кўнгилсизлик ва бекорчилик ва назоратсизлик оқибатида келиб чиқади, — дейди Жиззах вилояти Бахмал туманидаги «Дўсма» фуқаролар йўғини раиси Шухрат Тўрдиқулов. — Шу боис, маҳаллада истикомат қилаётган ёшларнинг юриш-туришини, оилавий ахлоқи, ўқув жараёнини назорат қилиб борамиз. Ўқув даргоҳларида таълим-тарбиянинг сифат даражаси бўйича жамоатчилик назорати ўрнатилган. Маҳалладаги хар бир хонадоннинг ижтимоий, моддий ахлоқи ўрганилиб, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиляпти. Бу йил воёга етмаган фарзандлари бор ёта кам таъминланган оилага моддий ёрдам берилди. Ички ишлар идораларида профилактик ҳисоб-га олинган тўрт нафар ўқувчи «Барка-

Qaror va ijro

мол авлод» маркази тўғрақларига жалб этилди.

Зўравондан чиққан чемпион

— Маҳалламизда Муҳаммадали исми бола бор, — дейди пойтахтимиздаги Катта Янгибод маҳалласи оқсоқоли Комиль Зиёмуҳаммедов. — Унинг бўй-бастини кўрган киши спортчи деб ўйлайди. Лекин у текканга тегиб, тегмаганга кесак отадиган зўравон. Панд-насихат қилсанг, бу қўлгоғдан кириб, унисидан чиқиб кетади. Ҳатто ота-онасининг гапига ҳам қирмайди. Гузарда мураббий дўстим билан гурунглашиб ўтирарканмиз, худудий профилактика инспектори «Тайсон»ни (Муҳаммадалининг лақаби) етаклаб келиб қолди.

— Ха, ўртоқ Юзобоев, яна нима бўлди? — дедим.

— Эй, бу боланинг ҳеч ақли қирмади-да. Тенгқурлари билан яна жанжаллашибди.

Улар кириб кетгандан сўнг дўстим сўради:

— У боксчими?

— Йўғ-е, қаёқда, гавдасига қараб лақаби шундай. Билаги тўла куч, ақлдан заррача йўқ.

— Нечанчи синфда ўқийди?

— Олтига ўтди.

— Олдимга юбор, ўзим тарбиялайман.

Ота-онаси ва ўқитувчилари билан маслаҳатлашиб, Муҳаммадалини спорт мактабига олиб бордик. Спорт одамини тарбиялаши рост экан. Бир-икки йилда Муҳаммадалининг ҳулқ-атворида ижобий ўзгаришлар кузатила бошлади. Республика ва халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, устозлари ишончини оқлади. 2012 йили Тошкент шаҳрида ўсмирлар ўртасида шотакан каратэ бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида чемпион бўлганини эшитиб, «Маҳалламиздан чемпион чиқди», дея жуда севииндик.

Боланинг бегонаси бўлмайди. Фарзандлар таълим-тарбиясига ота-она ва педагоглар, маҳалла аҳли, умуман, бarcha-бarcha мас'ул бўлмоғи лозим. Зеро, ёш авлодни тўғри йўлга бошлаш, ўзини намоён этиши учун шaroит яратиш ва қўллаб-қувватлаш хар биримизнинг бурчимиздир. «Оила—маҳалла—таълим муассасаси» ҳамкорлигидан қўзланган асосий мақсад — воёга етган ўғил-қизлар хар томонлама муносиб авлод бўлиб воёга етсин.

Ҳасан МҶМИНОВ,
«Ma'rifat» мухбири

«ОТА-ОНАЛАР КУНДАЛИК ДАФТАРИ»

бола мактабга қабул қилингандан то 9-синфни тамомлагунга қадар тўлдириб борилади

масалала алоҳида аҳамият қаратди. Бола мактабга қабул қилинган кундан бошлаб 9-синфни тамомлагунга қадар шу дафтар тўлдириб борилади. Мактабни битираётган кунни кундаликни ўқувчига эсдалик сифатида топширишни ният қилганмиз.

Хар бир боланинг оиласига кириб бориш, ўқувчининг оилавий муҳитини ўрганиш учун мактаб директори, директор ўринбосарлари, мактаб психологи, синф раҳбарлари, фан ўқитувчиларидан иборат гуруҳ тузилган. Гуруҳ ҳафтанинг маълум кунлари ўн-ўн беш нафар-гача ўқувчининг оиласига бориб, ота-оналари ва бобо-бувилари билан суҳбатлашиб, оиладаги муҳит, ўқувчи учун яратилган шарт-шaroитини ўрганади.

Авалги ўқув йилларида чоршанба кунни «Ота-оналар кун» деб белгиланган, шу кунни ис-таган ота-она мактабга келиб, фарзанди ўқийтган синфдаги дарсларни кузатиши мумкин

эди. 2013-2014 ўқув йилининг январь ойидан бошлаб бундай тадбирларни амалга ошириш анъанага айланди. Дейлик, синфда 25 нафар ўқувчи бўлса, 25 кун бир ёки икки нафардан ота-она келиб дарсларда иштирок этиши, фарзанди билан бирга тушлик қилиши, дарсдан сўнг фан ёки спорт тўғрагини ҳам кузатиши мумкин. Уларнинг қўлига фарзандининг мактаб ва синфдаги рейтингини, кундалигининг юритилиши, тўғрақларда ўз иктидорини қандай намоён этаётгани, мактаб, туман, вилоят миқёсида ўтказилган танловлардаги иштироки ҳақидаги маълумот берилди.

Кун якунида директор, синф раҳбари, мактаб психолога билан дарсларни кузатган ота-оналар ўзарo фикр алмашишда. Кузатуви ота-она ўқитувчиларнинг дарс ўтиши, тушлик-нинг қандайлиги, тўғрақлардаги ҳақон ҳақида ўз фикрини айтади. Боласининг рейтингини кўтариш, унинг билимлар бел-

лашуви, фан олимпиадаси ёки ижодий танловларда қатнашиши учун уйда ҳам бarcha шaroитни яратиб беришга интилади. Сўнгра ўқитувчиларнинг дарси қандай ўтгани, ким АКТ-дан самарали фойдалангани, қайси дарсда ўқувчилар бепарворок ўтиргани, ахборот-ресурс маркази, ошхона фаолияти ҳақидаги фикрлар «Ота-оналар кузатган дарслар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар» дафтарига ёзиб қўйлади. Бу дафтар келгусида ўқитувчиларнинг рейтингини баҳолашда қўл келади. Агар дафтарда бирор ўқитувчининг бўш дарс ўтгани ҳақида икки-уч марта қайд этилган бўлса, шу муаллим билан алоҳида иш олиб борилади. Унинг ўз устида ишлаши, малака ошириши, тажриба алмашиши учун шaroит яратилади. Бу ўқитувчиларнинг ўз фанини қучур билишига, ўз устида кўпроқ ишлашига, замон билан ҳамнафс қадам ташлашига ёрдам беради.

Шу каби тадбирлар тўғрисида ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик барҳам топди. Энг аввало, давоматни яхшилашга, ўқувчиларнинг уй-ахшларини тўлиқ бажариб келишига, танлов ва олимпиадаларга қатнашиш истагидаги ўқувчиларимизнинг кўпайишига эришганмиз.

Мактабимиз 2008 йили таъмирдан чиқарилган. 2011 йили замонавий спорт залига эга бўлдик. Физика, кимё фани ўқув-лаборатория хоналари бarcha асбоб-анжомлар билан таъминланган. Муассасамизда 804 нафар ўқувчига 57 нафар олий маълумотли ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда. Утган ўқув йилида бошланғич синф ўқитувчиси М.Фозилова «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичида 2-ўринни эгаллади. 6 нафар ўқувчи билимлар беллашуви ва фан олимпиадасининг туман босқичида биринчи ўринни эгаллаб, вилоят босқичида муносиб иштирок этди.

Фарзандларимиз келажаги бугун биз бераётган таълим-тарбияга хар жихатдан боғлиқ экан, зиммामиздаги масъулиятни чуқур ҳис этиб, баркамол авлодни воёга етказишда бarcha имкониятлардан оқилона фойдаланишимиз зарур.

Олихан МИРАҲМЕДОВА,
Учкўприк туманидаги
29-умумтаълим мактаби
директори

ҚУЛОҚКА АЙТИЛАДУГАН ТАМЛАР

ёхуд фарзандларимизга жинсий тарбия беришнинг аҳамияти ҳақида

... Бугун ҳар бир хонадонда одатдагидек 5 ёки 7 та телеканал эмас, балки «чунтак кўтаргунча» бошқа давлат телеканалларига ҳам бемалол уланиб қўриш янгилик бўлмай қолди.

Оила аъзолари кечки овқат тановули учун дастурхон атрофига жам бўлди. Шу пайти телевизор йўқ бўлса ё бузилса, томоқдан гўё овқат ўтмай қолаётгандек туюлади. Яхшиям, телевизор ишлапти.

Бир маҳал телевизорда намоиш этилаётган чет эл фильмида беҳаё сахна бошланди; ота каловлиниб атрофга олазрак қаради, она лабини тишлади, катта фарзандлар буни дарров фаҳмлаб, худди жуда қорни очдек овқат ейишга тутинишди. Кичиклари эса нима бўлаётганини ҳали англаб етмай турганлариди яхшигина дакки эшитишди.

Айрим давлатларда бу хилдаги кўрсатув ва фильмларни чеклашга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, миллий телеканалларимизда ҳам бундай томошалар умуман намоиш этилмайди. Лекин глобаллашув тобора кучайиб бораётган бир даврда бундай махсуслотни нафақат телевизор, балки диск, флешка, телефонда ҳам қўриш мумкин. Ачинарлиси, ёш авлодни салбий таъсирлардан асраш тобора қийин бўлиб бораётган бир даврда унинг тарқалиши тезлашмоқда.

Интернет гирдоби

Олимлар сўнгги беш йилда интернетда порнографик интернет-ресурслар кўлами кенгайиб бораётганини таъкидлашмоқда. Ҳали бу борадаги тушунчалари тўла шаклланимаган ёш авлод жинсий тарбияни қандайдир даражада телевизор ёки интернет орқали олмақда. Бу қанчалик тўғри?

Сент-Луис шаҳри Мастерс Жонсон институти ходими Марк Шварц шундай дейди: «Интернет шахвати одамларни чангпоткич каби ютиб юбормоқда. Бундай тобеликни даволаш жуда қийин, чунки инсонлар ундан воз кечишни ўзлари хоҳлашмайди».

Кибаршахбатга тобе кишилар виртуал ҳаёт билан шунчалик ўралашиб қолганларки, улар ўзларининг оилалари, фарзандлари, ўқиш ва ишларига эътибор бермай қўйганлар. Шу маънода бугун болаларимизнинг жинсий тарбияси долзарб масала сифатида қаралмоқда.

Жинсий тарбия ҳақида...

Жинсий тарбия — болалар ўсмирлар ва ёшларда онгли равишда жинс ва жинсий ҳаёт борасидаги соғлом муносабатлар ҳақидаги тасаввурларни тарбиялашга қаратилган тиббий-психологик чора-тадбирлар тизимидир. Ўсиб келаётган авлодни баркамол ривожлантириш, никоҳ ва оиланинг ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш унинг вазифасидир.

Инсон ҳаётида жинсий тарбиянинг аҳамияти жуда катта. У умумий тарбиянинг бир қисми ҳисобланиб, ёшларнинг оилавий ҳаёт учун муҳим мажбуриятларни англаши, ўзлаштиришига ёрдам беради.

Жинсий муносабатлар издан чиқинининг олдини олишда тўғри жинсий тарбия бериш катта аҳамиятга эга. Ота-оналар, педагоглар жинсий тарбияни амалга оширишда қуйидагиларни эътиборга олишлари лозим:

иккала жинсга тааллуқли кўпгина ахлоқий сифатларни шакллантириш; ҳалоллик, меҳнатсеварлик, меҳрибонлик, адолатпарварлик, қатъийлик, Ватанига, оиласига муҳаббат, ўзини тўғри тутиш маданияти каби фазилатлар қизларга қандай сингдирилса, ўғил болаларга ҳам шу тарзда сингдириб борилиши мақсадга мувофиқ.

Хусусан, ўғил болаларда ҳиссий барқарорлик, дадиллик, масъулиятчилик, олийҳимматчилик, аёлни ҳимоя қилиш

фазилатларини тарбиялашга эътиборни қўйиштириш зарур.

Қиз болада нозиклик, меҳрибонлик, камтарлик, тартиб, сабр хислатларини шакллантириш керак.

Келинг, энди бола билан жинсий тарбияни қандай амалга ошириш керак, деган саволга жавоб ахтарамиз.

«Ойи, болалар қаердан келади?»

Кўпчилик ота-оналар 4-5 ёшли боласининг бу саволни беришидан чўчиди. Айрим ота-оналар жинсий тарбия айнан шу ёшдан бошланади, деб ўйлашади. Лекин жинсий тарбия бундан анча олдин бошланган бўлади. Бу вазифа, албатта, она-оналарнинг зиммасида бўлишини унутмаслик даркор. Шунга кўра, боланинг кейинги ҳаёти, оламини қандай қабул қилиши вазифининг қандай бажарилишига боғлиқ.

Инсон дунёга келгач, психожинсий ривожланиш йўлини бошидан кечирилади. Жинсий муносабат масаласига нисбатан шахсий қарашлар шаклланади. Бу шаклланиш гўдак туғилиши билан пайдо бўла бошлайди.

Она қақалоқни қўлига олиб эркалаганида, кўкрак сути билан озиқлантирганида гўдакнинг мамнулигини юзидан яққол қўриш мумкин. Психоанализ асосчиси Зигмунд Фрейд асослаган ҳолат гўдакнинг шахвоний хислари ҳисобланади. Лекин гўдаклар ва катталарнинг шахвоний хислари ўртасида ҳеч қандай умумийлик йўқ.

Гўдак вояга етиб, ривожланиб борааркан, ёшидан ошгач, ўз танаси қисмлари, жинсий органлари устидида фаол «изланиш»лар олиб боради. Кўпчилик ота-оналар бундан ваҳимага туша бошлайдилар. Лекин ваҳимага ўрин йўқ. Бу меъёрий ҳолат. У фақат ўз танаси — бурунчаси, оғзи, қулоқчаси, оёқчаси ва жинсий органларини ўзича ўрганиб чиқади. Айрим болалар ўзининг жинсий органларини ўрганганидан кейин унга нисбатан қизиқишини йўқотди. Бошқалари эса мақсадли равишда ҳаракатларни такрорлайдилар. Бу ҳолат ҳам меъёрий.

Бола икки ёшга тўлганида ўз танасининг қисмлари қандай номланишини билади. У уч ёшга тўлганида ўғил ва қиз болани жинсий белгилари бўйича ажрата олади. Шунингдек, у шу ёшда қайси жинсга мансублигини англаб етади. Бу жараён бола тўрт ёшга етгандан кейин тугайди ва унда жинсий қизиқиш вужудга кела бошлайди. 5 ёшли бола яланғоч қолиш, бировнинг олдида ечинишдан уялади. Бундан қўлмаслик, уни қамситмаслик керак. Агарда болани қўмилтирётганда уялса, бу ишни ота ё она қилгани маъқул. Айнан шу оддий қоидалар билан оилада жинсий тарбия бошланади.

Бола 4-5 ёшда катталар оламида жинсий характердаги аъзолар борлигини тушушган, тарбияни фаол равишда олиб бориш керак. Бола билан шу мавзуда гаплашиш мақсадга мувофиқ. Бола уйда яланғоч ҳолда югуриб юришини маъқул кўрадимиз? Унга бундай қилиш мумкин эмаслигини тушуштириш лозим.

Уларнинг «Болалар қаердан олинади?» деган саволини жавобсиз қолдирманг. Бунга шундай жавоб бериш мумкин: «Болаларни оналари туғдиладар. Мен сени, акангни туққанман. Ўртоғинг Шокирни ўзининг ойиси туққан. Шунинг учун болалар оналарини «ойи» деб аташади».

«Сени қарамлар ичидан топиб олдим», «Дўхондан сотиб олдим», «Лайлак олиб келган» каби жавобларни бериш ярамайди. Шундагина жинсга нисбатан соғлом табиий муносабат шаклланади.

Боланинг телевизор, китобдан олаётган маълумотларини филтрлашга

ҳаракат қилинг. Бу даврда бола жуда очик ва ўзравонлик саҳналарини кўрмагани маъқул.

Мен вояга етмоқдаман!

Бола вояга етгани сари янги саволлари кўпаяди. Улар ҳар хил шаклдаги маълумотларни бир-бирлари билан ўртоқлашадилар. Мактабга борган кезлари боланинг саволларини эътибордан четда қолдирмаслик керак, чунки жинсий тарбия масаласи жуда жиддий.

Ота-она учун фарзанди билан жинсий муносабат ҳақида гаплашиш жуда ноқулай. Ота-оналар, педагоглар бола билан гаплашганда қуйидаги омилларни инобатга олишлари керак.

Боланинг шахси

Шахсни шахвоний хислардан ажратиб бўлмаганидек, шахвоний хисларни шахсдан ажратиб бўлмайди. Шунинг учун мактаб ёшидаги болаларнинг жинсий тарбияси оддий тарбия билан қамбарчас боғлиқдир. Содда қилиб айтганда, болани шахвоний хисларга мойил ёки майлсиз қилиб тарбиялашга интиланг, болангизни яхши кўринг ва у билан оддий тарбиявий жараённи олиб бориңг.

Жинсий тарбия ва балогат даври

Кўпчилик ота-оналар жинсий тарбияни бола жинсий етуклик ёшига етаётган пайтда олиб бориш керак, деб ўйлайдилар. Аксарият психологлар эса жинсий тарбияни бу даврдан олдинроқ бошлаш керак, деб ҳисоблайди. Чунки бола гўдаклигидан ҳаётга муносабатининг асосий пойдевори қурилади. Тўғри, бола бунга ўзи ҳали онгли равишда англамайди, балки ҳамма маълумотлар онг остига жойланаверади. Онг эса уларни керакли пайтда ёдга туширади.

Ишонч

Жинсий тарбия самарали кечиши учун ишончли муносабат керак. Болада уни уйидагилар ҳар қандай ҳолатда ҳам тушунишлари ва қўллаб-қувватлашларига ишонч бўлиши керак. Ана шундай вазиятда бола ўз муаммоларини дўстларига эмас, уйдагиларга айтади.

Ўз устиди ишлаш

Бола билан тарбиявий иш олиб боришдан олдин бу ишни аввал ўзингизда сынаб кўринг. Чунки тарбиялаш борасида қандайдир қусур мавжуд бўлиши мумкин. Биринчи қилинади-кан иш — шу қусурларимизни қатъий назоратга олиш. Тўғри, улардан дарров қутулишининг илоҳи йўқ. Лекин болага бошқача гапириб, ўзингиз аксини қилсангиз, тарбиявий иш самарасиз бўлади. Шундай ҳолларда мутахассис — психолог, психотерапевтга мурожаат қилиш керак.

Энди кичкина бола эмасман!

Вакт — оқар дарё. Бола вояга етганда жинсий тарбия тўғрисида суҳбатни ўзи бошлашса ҳам, ота-она гапни бошқача мавзуга буради. Афсуски, бундай ҳолларда бола онгида жинсий муносабатларга оид нотўғри тушунча муҳрланади. Ота-она унга жинсий муносабатлар меъёрий турмуш тарзи эканини тушуштириши, бу уятли ва тақиқланган ҳолат эмаслигини айтиши керак. Лекин буни бола онгига етказишининг ўзи мушкул. Шунинг учун педагоглар қуйидаги тавсияларни берадилар.

Табиийлик

Бола билан суҳбатлашаётган пайтда уятдан қизариб, сохта гапириш яра-

майди. У сезгир: хотиржам суҳбатлашиш керак. Лекин бу масалада расмий оҳангда, алоҳида жойда зерикарли маърузалар ўқиш ярамайди. Бола билан кўчада ёки телевизор кўраётган пайтда гаплашиш мумкин.

Ҳикоя қилиш усули

Ота-оналар фарзандларининг жинсий муносабатлар ҳақида ёшига нисбатан кўпроқ нарсаларни эшитишидан қўрқадилар. Бироқ бола хотираси танлаб эслаб қолишга мойил. Бу жараённинг нафақат биологик томонларини ёритиш, балки ҳиссий жараёнларини (севги, муҳаббат) ҳам баён қилиш зарур.

Асрий удум зарурати

Азал-азалдан халқимиз жинсий тарбия масаласида аънаналарга суянган. Яъни, ўғил бола тарбиясини бобо, қиз бола тарбиясини момо ўз зиммасига олган. Уларни келгуси ҳаётга тайёрлаш бува ва бувининг вазифаси саналганки, бугун ҳам бу аънаа давом этмоқда. Катта ҳаёт тажрибасига эга бобо-бувиларнинг сипо тушуштиришлари, йўл-йўриқлари доим ёш авлод тарбиясида асқотган.

Кексалар набиралари билан бу мавзуда гаплашиш фурсати келди деб билсалар, ташаббусни ўз қўлларига олишлари зарур. Юқорида таъкидлаганимиздек, жинсий тарбия умумий тарбиянинг ажралмас қисмидир.

Тўғри сўзлар, муносабатлар

Ота-оналар жинсий муносабатларнинг тўғри номланишини фарзандларига айтишни ўргатишлари, у «Болаларча» ёки таққирлайдиган сўзларга хос бўлмаслиги керак.

Айниқса, бу даврда мономлар қизларга ҳайз даври гигиеник чоралари тўғрисида тушунча бериши лозим. 9-10 ёшларда бу ҳақда гапириш керак эмас, деб ўйлаш ноқош. Чунки замон тараққиёти тезлашуви билан ҳайз даври ҳам эртароқ содир бўлмоқда, агарда бу давр қизингизда вақтлорқ юз берса, у қўрқиб кетиши мумкин...

Мен ўсмирман!

Ўсмирлар орасида жинсий саводсизлик оқибатида кўпгина муаммолар келиб чиқаётганига ғувоҳ бўлиш мумкин. Бу даврда барча болалар биринчи муҳаббатга дуч келадилар. Одатда бола дўст ёки дугонани тўғри танлашга қодир эмас. Унга ёрдам зарур. Шунинг учун у ўз ҳаёлида дуч келган одамни идеал сифатида тасаввур қилиши мумкин. Айнан шу пайтда ота-онанинг роли катта бўлади. Шу билан бирга, боланинг шахсий ҳаётига хирилик билан аралашавермаслик, унинг ҳис-туйғуларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш керак.

Қизларда қарама-қарши жинсга мойиллик ўғил болаларга қараганда унчалик ёрқин эмас. Қиз бола ёқтирган кишининг жинсий шериги сифатида эмас, балки дўсти сифатида кўради. У сайр, рақсга тушиш, шеърлар, чиройли кийимлар, хушбўй ифторлар ҳақида озу қилади. Ўғил болаларда эса аксинча.

Ўғлингиз, қизингиз, ўқувчингиз билан дўстлик, сеvgи, ҳурмат, ибo-ҳаё, гурур ҳақида гаплашинг. Болани қарама-қарши жинс билан тўғри муносабат олиб боришга ўргатинг, бунинг учун у кейинчалик сиздан миннатдор бўлади.

Файласуф олим Шиллер таъкидлаганидек: «Маърифатли онг ахлоқий туйғуларни яхшилайдди: ақл юракни тарбиялаш керак».

Шахноза АКРАМОВА,
педагогика фанлари номзоди

Донишмандлардан бири инсон ҳис қилиш орқали бутун борлиқни англайди, атрофда бўлаётган воқеаларни таҳлил қилади, деб айтган экан. Дарҳақиқат, сезги аъзоларимиз ёрдамида қабул қилинган ахборот тўғридан-тўғри миёга етказилиб, айни вақтдаги кайфиятимизни белгилаб беради. Дунё мўъжизаларини кўз орқали кўриш, ёқимли сўзларни эшитиш, шу қатори, оғизга хуш ёқувчи таъмдан лаззатланишни, қайсидир маънода, гўзалликдан завқланишга тенглаштириш мумкин. Буюк бобокалонимиз Ибн Сино яна бир восита — нафис ифор ҳам ҳар қандай инсоннинг руҳиятига тетиклик бағишлаб, ўзига бўлган ишончини орттиришини тиббий жиҳатдан асослаб берган.

Шунингдек, гигиена воситалари: совун, шампун, ифорли гелларни ҳам қамраб олади. Маҳсулотларнинг тури ва сони эса кундан-кунга ортиб бормоқда. Одатда уларнинг таркибида гуллар ва кимёвий моддалардан олинган 10тадан 250тагача турли ифор таратувчи табиий ва сунъий ароматизаторлар, хусусан, ванилин, табиий эфир мойи (гуллар, гул куртаклари, мева, мева пўчоги, ёғоч ва бошқалардан олинадиган суюқлик), шунингдек, спирт бўлади. Энг сара ифорларга, албатта, этанол ёки сув ва этанол аралашмаси кўшилади. Асл атир таркибида ўртача 15дан 60 фоизгача турли қўшимча моддалар мавжуд.

Парфюмерия буюмлари ишлаб чиқариш — композиция(асосий таркиб)ни тайёрлаш, ифор таратувчи суюқликни тайёрлаш, композицияни спирта эритиш, дамламалар, сув ва бўёқлар қўшиш, суюқликни маҳсус



ИФОРНИНГ ШАЙДОСИ, АТИРНИНГ АДОСИ

*ёхуд парфюмерия маҳсулотларини харид қилишда
нималарга эътибор қаратиш лозимлиги хусусида*

Она табиатимизнинг бетақдор тухфаси бўлмиш гуллар табиий, инсон кўли билан яратилган хушбўй маҳсулотлар эса сунъий ифор таратувчилар ҳисобланади. Барча сунъий ифор таратувчи маҳсулотлар замонавий тил билан парфюмерия воситалари деб аталади. Илк бор хушбўй моддалардан қадимги Мисрда инсоннинг мўйиёланган тана-сига ишлов беришда фойдаланилгани маълум. Бу моддаларнинг тайёрла-ниш жараёнини мисрликлар бошқа халқлардан маълум вақтгача сир сақлашган. Ҳинди-стоннинг диний маросимларида эса ифор таратувчи тутатқи — ладандан фойдаланилган.

Ибтидоий атир ихтирочилари Миср ёки Ҳиндистонда эмас, балки қадимги Месопотамияда истикомат қилган. Манбаларда келтирилишича, 4 минг йил аввал мазкур давлатда гул баргларидан хушбўй суюқлик — атир олиш ихтиро қилинган. Ўрта асрлар бошида араблар хушбўй хид таралиб туриши учун мушк-анбар ва оҳакли лойни аралаштириб, масжидлар бунёд қилишган экан. XIX асрга келиб парфюмерия усталари Ф.Коти, Жан Герлен ва Э.Дальтроф атир олиш назариясини ўртага ташлашди ва тез орада уларнинг қўлбола турлари сотувга чиқарилади. Соҳанинг сердаромадлиги тез орада юзлаб парфюмерия компанияларининг пайдо бўлишига олиб келади.

Илк замонавий кўринишдаги атирлар Венгрияда сотувга чиқарилган бўлса, бугун мазкур маҳсулотни ишлаб чиқариш кўпгина мамлакатлар иқтисодиётининг ажралмас бир бўлагига айланиб улгурган. Айниқса, Франция энг сара парфюмерия маҳсулотларининг асосий маркази, йирик ишлаб чиқарувчи компанияларга эга мамлакат ҳисобланади.

Бежирим идишдаги оромбахш ифор

Парфюмерия маҳсулотларининг кенг тарқалган тури сифатида атир, атторли сув, пардоз суви, одеколон, дезодорант, маҳсус ҳаво тозалагични мисол қилиб келтириш мумкин.



берк идишларда тиндириш, филтрлаш, идишларга қўйиш ва безаш каби босқичлардан иборат.

Бугунги кунда замонавий парфюмерия саноати табиий ифорнинг ўрнини босувчи сунъий воситаларни ишлаб чиқаришга ҳам эътибор қаратмоқда. Сабаби, анъанавий маҳсулотлар таркибида ҳайвонлардан олинадиган моддалар ҳам мавжуд бўлиб, бундан фауна дунёси катта зарар кўрмоқда.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да келтирилишича, ҳайвон мушк безларидан ҳосил бўладиган мушкдан парфюмерия саноатида фойдаланилади. Улар асосан, кабарга бугуси, дарё эркак кундузидан олинади. Шунингдек, анбар (йиртқич китлар (кашолот) ошқозонидан олинадиган мойли масса) ва сибет(сибет мушугининг ички секреция безларидан ажралиб чиқадиган масса) ҳам хушбўй хидли моддалар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Бугунги кунда илм-фан ютуғи ўларок мазкур моддаларнинг ўрнини босувчи сунъий воситалар яратилмоқда. Жумладан, табиий мушк ўрнига кучли хид таратадиган синтетик моддалар(ксилон-мускус, кетон-мускус)дан фойдаланилмоқда.

Замонавий парфюмерия воситаларида энг кўп атиргул ва жасмин ифорлари қўлланилади. Бу икки гулдан юзлаб ифорларни яратиш мумкин. Бундан ташқари, кокос, атиргул ҳамда жожоба мойи ҳам қўйилади. Уларни ишлаб чиқаришда, албатта, атир ифорининг табиий ва нафислиги, маҳсулотнинг экологияга зарар

келтирмаслиги эътиборга олинади.

Одатда атирлар атторлик сувидан, атторлик суви эса пардоз сувидан кучлироқ ифор таратади. Асосий ифор берувчи — этанол мойи ҳар бир маҳсулотда турлича миқдорда бўлади. Жумладан, атирда — 30 фоиз, атторли сувда — 1—20 фоиз, пардоз сувида — 5—15 фоиз, қолган ифор таратувчи маҳсулотларда эса 3—8 фоизгача мавжуд. Эътибор берадиган бўлсак, атир-га нисбатан кўпроқ миқдорда пардоз ёғи, тоза спирт қўйилади, шу сабаб ҳам у узок ифор таратиб туради (5 соат ва ундан кўпроқ, пахтадан тикилган кийимларда эса 30 соатгача). Атторлик сувининг ифори эса либосда узоғи билан 4 соатгача сақланиб қолади. Мутахассисларнинг фикрича, териси ёғли бўлганлар ифорларни ўзларида кўпроқ сақлаб қолишар экан. Одатда, мазкур воситалар бўйин, билак, қўлнинг букилиш қисмлари ва қулоқ орқасига суртилса, кучли ифор таратади.

Бундай воситаларни танлаётганда ифорини бир вақтинг ўзида уч маротабадан кўп синовдан ўтказмаслик лозим. Сабаби, хид билиш аъзоси навбатдаги ифорни фарқлай олмаслиги мумкин. Уларни совға сифатида танлашда, ўта эҳтиёткор бўлиш лозим. “Кимдигар ёқар лола...”, деганларидек ҳар бир инсоннинг танлови ҳар хил.

Киши ўзига манзур парфюмерия воситасини сотиб олгач, уни кўёш нурларидан четроқ — қоронғи ва салқин жойда, қопқоғи маҳкамланган ҳолда сақлаши лозим. Аслида, парфюмерия воситаларининг кийим устидан тез “учиб кетиши”га уларнинг нотўғри сақланиши ҳам сабаб бўлар экан. Бошланғич ҳолатдаги рангининг ўзгариши таркиби бузилганидан далолат беради.

Ифор ва руҳият

Бугунги кунда парфюмерия маҳсулотлари кайфиятни кўтариш, стрессдан ҳалос бўлишда энг кўп фойдаланиладиган воситалардан бирига айланди. Ҳаттоки, ифорларнинг ин-

сонда қандай кайфиятни келтириб чиқариши мумкинлигини ўрганувчи маҳсус фан — аромапсихология ҳам вуҷудга келди. Унинг асосида тиббиётда инсон руҳиятини кўтаришга хизмат қилувчи аромапсихология даволаш усули ишлаб чиқилган. Маҳсус даволаш курслари инсоннинг руҳий енгилик ва яхши кайфиятни ҳис этишига кўмаклашади. Бундан ташқари, саломатлик билан боғлиқ муаммолар жумладан, иммунитетни мустаҳкамлаш, тери касалликлари, тана вазнининг ортиши, соч тўкилиши кабилар бартараф этилади.

Шунингдек, шафтоли, малина, бодом ифорлари яратувчанлик; лимон, апельсин, грейпфрут тетиклик; сандал, атиргул, жасмин ифорлари ўз-ўзига бўлган ишончини ошириш; ёронгул ва лаванда эса хотиржамлик улашиш хусусиятига эга.

Ароматерапия, асосан, 50га яқин эфир мойлари ёрдамида амалга оширилади. Муолажа ингалацион (буғ ёки газ ҳолатидаги шифобахш ўсимликлар билан нафас олдириб даволаш), тана орқали даволаш каби усулларда олиб борилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, кайфиятни кўтариш тушунлиққа тушиб қолган кишилар ўйлаганчалик қийин иш эмас. Бунинг учун муаттар бўлган хидлаб, мусиқа садolari остида дам олиш kifoya. Ароматерапиянинг ушбу инголяция усулида кўзларни юмган ҳолда ҳаётда бўлиб ўтган яхши хотираларни бирма-бир ёдга олиш лозим. Мазкур терапия усули бир зумда таъсир қилиб, кайфият ҳам ўз-ўзидан кўтарилади.

Бироқ инсон ўткир бронхит астма ёки юқумли касалликлар билан оғирган бўлса, ўсимлик ёки эфир мойига аллергияси бор бўлганда, юрак уриши билан боғлиқ муаммолар юзга келганда муолажани дарҳол тўхтатиш тавсия этилади. Шунингдек, ҳомиладор аёллар ва боғаларнинг аромапсихология қабул қилиши мумкин эмас. Ҳар қандай шароитда ҳам шифокор маслаҳатига қулоқ солиш муҳим.

Ароматерапия даволаш усулида 100 фоиз табиий эфир мойи ишлатилганлиги учун атир ва ароматизаторлар қўллаш самара бермайди. Мутахассисларнинг исботлашича, эфир мойлари тўғридан-тўғри инсоннинг марказий асаб тизими фаолиятига ижобий таъсир ўтказида.


Бугун парфюмерия воситалари энг кўп харид қилинадиган маҳсулотлар сифатида қиради. Шу боис мазкур тармоқ дунё бозорини тобора эгаллаб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, инсон гўзаллик ва ёқимли ифор шайдоси экан, бундай маҳсулот турларини ишлаб чиқариш дунё бозорининг етакчи тармоғига айланиб бораверади.

Ҳамида УСМОНОВА
тайёрлади.

2014-yil 22-oktabr, № 85 (8734)

ЁРУҒЛИК-ДИОД ЛАМПА КЕНГ ҚЎЛЛАНИЛАДИ

Халқаро олимлар гуруҳи мис иодид асосида ёруғлик-диод лампани технологияларда иссиқ оқ нур таратувчи моддалар гуруҳини ишлаб чиқарди. Ушбу ишланнинг асосий ўзига ҳосилии шундаки, мис иодид моддаси ёруғлик-диод лампаларда қўлланилувчи ноб ва қимматбаҳо металллар ўрнини эгаллайди.



"Journal of the American Chemical Society" нашрида қайд этилишича, ёруғлик-диод ёки ёруғлик таратувчи диодлар (LED) — электрон-тешик оралиқли ярим ўтказгичли қурилма бўлиб, ундан тўри йўналишда ўта-

ётган электр токи оптик нурлинишни ҳосил қилади. Ёруғлик-диод лампадан таралаётган нур диапазони эса ярим ўтказгичнинг қайси кимёвий элементлардан ташкил топганига боғлиқ.

Халқаро тадқиқотчилар гуруҳи мазкур соҳада қўлланилаётган қимматбаҳо кимёвий моддалар ўрнида арзон ва нисбатан кўп учрайдиган мис иодидни қўллашни таклиф қилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу йил физика йўналиши бўйича Нобель мукофотини ҳам айнан ёрқинроқ, кам энергия талаб қилувчи ва узоқ муддат самарали ишловчи оқ нур манбаи бўлмиш кўк ёруғлик-диод ихтирочилари қўлга киритди.

МАТО ҚУВВАТЛАШ МОСЛАМАСИГА АЙЛАНАДИ

Америкалик муҳандислар ишлаб чиққан янги технология одатий либосларни электрон қурилмалар қувватловчисига айлантириб беради. Бунда электр энергияси либос матосининг чўзилиши ва қисқариши ҳисобига ишлаб чиқарилади.



Колумбия университети (АҚШ) ва Жоржия технология институтининг олимларининг қайд этилишича, мазкур ихтиро тиббий имплантатлар учун ҳам зарур миқдорда электр энергиясини ишлаб чиқариши мумкин. Мазкур

матосини ташкил этувчи молибден дисульфид (MoS_2) моддаси электрон қурилмалар соҳасида кенг қўлланилади.

"Nature" журналида қайд этилишича, янги мато бор-йўғи икки атом қалинлигидаги қатламдан иборат бўлиб, инсон ҳаракатланганида электрон қурилма ёки электр энергияси асосида ишловчи сунъий тана аъзоларига керакли қувватни ишлаб чиқаради. Ҳаттоки, ушбу материал чўнтакда турган смартфонни тўлалтиришга электр энергияси билан таъминлай олади.

Таъкидлашчи, қалинлиги бир неча атом қалинлигини иборат материалда пьезоэлектр ҳодисаси илк бор кузатишмоқда.

Мазкур тадқиқот иши механик энергияни электр энергиясига айлантириб берувчи атом қалинлигидаги автоном нанотизимларнинг пайдо бўлишига хизмат қилади. Бу эса роботлар, микроэлектромеханик тизимлар ҳамда эгилувчан электрон қурилмалар имкониятини янада кенгайтиради.

XXI АСРДА ДЕНГИЗЛАР САТҲИ КЎТАРИЛАДИ

Глобал иқлим иссиши натижасида асримизда дунё океанлари ва денгизлари сатҳи яна 80 сантиметрга кўтарилиши мумкин. Даниядаги Нилс Бор институти олимлари ўтказган изланишлари якунида шу фикрга келишди.

Глобал иқлим иссиши йилдан-йилга кучайиб, ҳароратнинг ортти бораётгани тоғ ва кўл музликларининг жадаллик билан эришига олиб келади. Ер ости сувларидан фойдаланиш ҳам денгизлар сатҳининг кўтарилишига сабаб бўлаётгани таъкидланмоқда. Бунда асосан денгизбўйи мамлакатларида ер остидаги чучук сув захираларидан кўп миқдорда фойдаланиш охири-оқибат уларнинг дунё океанларига келиб қўшилишига сабаб бўлмоқда. Илмий хулосаларга кўра, максимал ҳолат-



да океанлар сатҳи 1,8 метргача кўтарилиши мумкин. Бироқ ҳодисаларнинг бундай ривожланиш эҳтимоли 5 фоиздан камроқни ташкил этади.

Агар ушбу офат ҳақиқатан ҳам рўй берса, денгиз қирғоқларида яшаётган миллионлаб инсонлар ўз бошпанасини тарк этишга мажбур бўлади. Ҳаттоки Голландия ва Дания сингари мамлакатлар буткул сув остида қолиши мумкин.

Дунёнинг турли минтақаларидан олинган туپроқ намуналарини ўрганган австралиялик олимлар эса океанлар чегараси сўнгги олти минг йилдан буён деярли ўзгармаганини, инсон фаолияти ҳамда табиий жараёнлар натижасида ушбу вазият қисқа муддат ичида сезиларли даражада салбий томонга оғиб бораётганини аниқлашган.



МЕҲР ҲАМ ФАРЗАНДА МЕРОС ҲАДАДИ

Фарзанди кўз ўнгиде ўзаро меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлувчи ота-оналар бола руҳиятига бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Шарқий Англия университетини мутахассислари 5 минг оила ҳаётини кузатиб, юқоридаги фикрни илмий жиҳатдан исботлашди.

Тадқиқотлар жараёнида ота-онанинг самимий муносабатларига гувоҳ бўлиб вояга етган болалар руҳиятида кўплай ижобий ўзгаришлар қайд этилган. Чунки улар нафақат бир-бирига, балки фарзандларига ҳам илиқ туйғуларни издор этишган.



Ўзаро самимий муносабатдаги эр-хотинларда, айрим оилаларда бўлганидек, турмуш ўртоғи билан боғлиқ салбий ҳолатни деб фарзандига қўполлик қилиш кузатилмаган. Бу эса, табиийки, болалар руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади. Эр-хотин тез-тез жанжаллашиб, ажралиш тўрисида қанчалик кўп гапирса, боланинг асаб тизими шунча кўп зарар кўриши исботланган.

Ушбу тадқиқот иши доирасида 69 фоиз эркак ва 65 фоиз аёллар ўз оилавий ҳаётини мамнунлиги аниқланган. Шунингдек, 37 фоиз нозик хилқат вакиллари ўз турмуш ўртоғидан ноқоиз гап-сўзларни жуда кам ёки буткул эшитмаганини баён этишган. Эракларда эса бу кўрсаткич 43 фоизни ташкил этган.

ОНАНИНГ САЛОМАТЛИГИ БОЛАНИНГ АНИҚ ФАНЛАРГА ҚИЗИҚИШИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Боладаги математик ҳисоб-китобларга қизиқиш ва қобилиятнинг кучли бўлиши фарзанд кутаётган оналар ҳолатига ҳам боғлиқ экан. Онанинг ҳомилдорлигида қалқонсимон безлар томонидан ишлаб чиқарилувчи tiroksin gormoni миқдори қанча юқори бўлса, бола аниқ фанларга шунчалик қобилиятли бўлиб дунёга келади.

Голландиялик мутахассислар олиб борган изланишларда дастлаб ҳомилдор аёллар, сўнгра уларнинг фарзандлари тажрибага жалб этилган. Тажрибаларда 1200 нафар бола ҳолати улар она қорнидаги вақтдан бошлаб, то биринчи синфга қадам қўйгунига қадар назорат қилиб борилди.

Якуний хулосаларга кўра, ҳомилдор аёл қонида tiroksin gormoni қанчалик кўп учраса (албатта, метёр даражасида), бола математикага шунчалик қобилиятли бўлади. Шу билан бир қаторда, мазкур гормондан «бебаҳра» оналар дунёга келтирган болалар аниқ фанлардан анча узоқ бўлиши аниқланди.

Олимлар изланишлар мобайнида 5 ёшли боладаги тил ўрганиш қобилияти ва tiroksin gormoni ўртасидаги боғлиқлиқни ҳам ўрганиб чиқишди, бироқ бу борада муайян ўхшашлик қайд этилмади. Мутахассислар фикрича, тил ўрганиш кўпроқ фаол мулоқот, китоб ўқиш ва аниқ йўналтирилган тарбияга боғлиқ.

С.РУСТАМОВ тайёрлади.



Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Пан Ги Мун Фарбий Африкада тарқалиб бораётган «Эбола» вирусига қарши курашиш мақсадида шифокорлар, ҳамширалар, усқуналар, даволаш марказлари ва эвакуация воситаларини жалб қилиш ва бошқа чоралар учун жаҳон ҳамжамиятини 1 миллиард доллар ажратишга чақириб, бу маблағ биринчи декабрга қадар вируснинг тарқалишини секинлаштиришга эришиш имконини беришини таъкидлаб ўтди.

Ҳиндистоннинг Андхра-Прадеш штатидаги Вакашипа қишлоғида ноқонуний тарзда пиротехника воситалари ишлаб чиқарувчи заводда юз берган портлаш оқибатида келиб чиққан ёнғин чоғида корхонада бўлган 30 кишининг 17 нафари ҳалок бўлган, яна икки киши бедарак йўқолган.

Москва шаҳридаги Внуково аэропортига қўнаётган енгил моторли самолётнинг қор тозаловчи машина билан тўқнашиб кетиши оқибатида тўрт нафар экипаж аъзосининг ҳалок бўлгани, машина ҳайдовчисига ҳеч қандай тан жароҳати етмагани, ҳодиса сабаблари эса ўрганилаётгани ҳақида хабар берилди.

Жанубий Кореянинг Соннам шаҳрида ёшлар ўртасида машҳур бўлган «4 minute» гуруҳи концертида бўш ўрин тополмаган талабаларнинг вентиляция панжараси устига чиқиб олиши оқибатида панжаранинг қулаб тушиши натижасида 25 киши 20 метрлик чуқурликка тушиб кетган ва уларнинг 16 нафари ҳаётдан кўз юмган, яна 9 томошабин жароҳат олган.

Ҳиндистоннинг шарқий қирғоғига келиб урлаган «Хадхад» бўронидан қурбон бўлганлар сони 41 кишига етган, табиий офат оқибатида кўплай уйларга шикаст етган ва қишлоқ хўжалиги ҳосили пайҳон бўлган, ҳодисадан энг кўп зарар кўрган Андхра-Прадеш штати раҳбарияти мингга яқин маҳаллий аҳолига электр энергияси тизимини тиклаш ва гуманитар ёрдам кўрсатиш учун кучайтирилган тартибда иш олиб бораётганини маълум қилган.

«New York Post» нашри АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида бир йил давомида умумтаълим мактабларининг 1200дан зиёд ўқувчисидан совуқ қуроллар олиб қўйилгани, уларнинг энг ёши иккинчи синф ўқувчиси бўлиб, мактабга ярим автомат тўптонча билан келгани ҳақидаги маълумотни эълон қилган.

Республика таълим маркази раҳбарияти ва жамоаси Қарши шаҳридаги 2-ИДУМининг олий тоифали математика фани ўқитувчиси, 7-синф «Геометрия» дарслиги муаллифи

Улугбек САФДИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирди.

БЎЛАЖАК ҚУРУВЧИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН

«Темир-бетон заводларида механик ускуналар ва қурилмалар» номи янги ўқув қўлланмасининг кириш қисмида қурилиш объектларида маҳаллий хомашёлардан кенг ва самарали фойдаланиш жараёни ҳақида ҳикоя қилиниб, ишлаб чиқариш корхоналарида тайёрланадиган турли деталларни кенг қўламда стандартлаш, сифат даражасини яхшилаш, таннархини камайтириш масалаларига тўхталинган.



Қўлланма Тошкент кимё-технология институти профессор-ўқитувчилари Т.Отакүзиев, Қ.Аҳмеров ва доцент Г.Ҳакимованинг кўп йиллик изланишлари маҳсули бўлиб, бетон аралашма тайёрлаш ва ташиш, йиғма-бетон конструкциялар ва буюмлардан қурилиш жараёнида

фойдаланишга оид маълумотларни ўзида жамлаган.

Ўқув адабиёти 11 бобдан иборат бўлиб, қурилиш материалларидан фойдаланишнинг илмий-назарий асослари акс эттирилган. «Бетон аралашмасини тайёрлаш», «Материалларни ҳиссалаш учун жиҳозлар», «Бетон қорғичлар», «Материалларни гидравлик бойитиш», «Арматурани тайёрлаш, танлаш ва тортиш жиҳозлари», «Бетон арматурани зичловчи тебратмалар» каби бобларда бўлажак кичик мутахассисларнинг билим даражасини оширадиган илмий ва маҳаллий характердаги маълумотлар бисёр.

МАХСУС МАТОНАТ МАШҚЛАРИ

«Ўзбек жанг санъатининг матонатли спортчилари» китоби соҳадаги кўрсаткичларнинг ошиши ва чемпионлар сони ортishiга хизмат қилиши тайин. Боиси, Темурийлар жанг санъатининг замонавий кўриниши ҳисобланган ўзбек жанг санъати ўзини ўзи бошқариш ва инсон организмидаги айрим касалликларнинг олдини олишга хизмат қилиши билан ҳам эътиборлидир.




Мазкур қўлланма саломатликни тиклаш (реабилитация) бўйича мутахассислар, имконияти чекланган спортчилар ва тренер-мураббийлар, жисмоний тарбия ва спортга ихтисослашган таълим муассасаларининг ўқувчилари учун мўлжалланган. Унда организмнинг муайян аъзосида нуқсон бўлган спортчилар учун махсус медитацион машқлар комп-

лекси, миллий соғломлаштириш гимнастикаси, ўз-ўзини назорат қилиш, ривожлантириш ва баҳолаш усуллари, аттракцион (томошабон) ўйинлар ўрин олган. Кўзи ожизлар учун мусиқа билан бажариладиган машқлар, ногиронлар арава-часида ўтирадиганлар учун резина буюм ва гантель тошлар билан ишлаш, қўл зарбалари, «Ассалом, тонг» соғломлаштириш гимнастикаси, паралимпия спорт турларининг мусобақавий асослари шулар жумласидандир.

Махсус техник-тактик ҳаракатларни ўзлаштириш ва жисмоний юкламаларни бажариш, шу орқали имконият ва истакларни тўла рўёбга чиқаришда мазкур манба яқин кўмакчи бўлади.

Мамлакатимизда инвестицион сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Инвестицияни тўғри йўналтиришга давлатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим шарти сифатида қаралади.

ИНВЕСТИЦИЯ ҚАНДАЙ МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИ?



Бу мавзуда яратилаётган ўқув қўлланмалари бўлажак мутахассислар билим савиясини оширибгина қолмай, келажақда уларнинг эгаллаган назарий билимларини амалиётда қўллашларига имкон яратади. А.Ҳошимов, Ш.Махидов, Н.Мўминова ҳаммуаллифлигида яратилган «Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш» ўқув қўлланмасида инвестициянинг иқтисодий моҳияти, макроиқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти ва шу сингари кўплаб мавзулар чуқур таҳлил қилинган. Ўзбекистонда инвесторлар учун қулай муҳит, имтиёз ва преференциялар тизими яратилгани, иқтисодиётимизни ривожлантириш учун хорижий инвестициялар ҳамжи йилдан йилга ортиб бораётгани реал кўрсаткичлар билан таққосланган.

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» (пахта, тўқимачилик ва енгил саноат) таълим йўналиши ўқув режасидаги «Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш» фани дастури асосида яратилган ўқув қўлланмаси «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан нашр қилинган.



Спорт машғулоти, жисмоний машқлар, ҳаракатли ўйинлар шунчаки ўз-ўзидан ёки эр-

Қўлланма болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия захиралари коллежлари педагог-мураббийлари, соҳа мутахассислари, спортчи ёшлар учун мўлжалланган. Донишманд халқимизнинг маданий мероси — миллий жисмоний тарбия тарихи, ғояси ва ривож ақс этган қўлланмадаги ҳар бир машқ содда, қизиқарли ва, албатта, фойдали тарзда тузилган бўлиб, халқона рух, жасорат,

мардлик, ватанпарварлик, фидойилик, инсонийлик сингари қасдларни ўзида жамлаган.

«Янги аср авлоди» нашриётида чоп этилган китоб сажиз бобдан ташкил топган бўлиб, етук яққаураш мутахассиси Т.Носиров, педагогика фанлари доктори Т.Усмонов ва ўзбек жанг санъати миллий спорт тури асосчиси П.Усмонов сингари муаллифларнинг чуқур изланишлари маҳсулидир. Қўлланмада соғломликдан

полвонлик сари муваффақиятга эришишнинг асосий омиллари — координацион қобилиятларни ривожлантириш, мувозанат сақлаш, ирода, чидам ва тезкорлик сифатларини такомиллаштириш, умумий ва махсус жисмоний ҳамда руҳий тайёргарлик, спорт машғулотларини режалаштириш ва назорат қилиш хусусидаги зарур маълумотлар билан танишасиз.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ

ЯХШИ ШЕЪР ИНСОННИ ТАРБИЯЛАЙДИ



Кўнгил ўчоғида қул босиб ётган инжа туйғуларни чўғдай яшатиб, аланга олдирадиган насимдир ашёр.

Китобга сўзбоши ёзган педагогика фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдош таъбири: «Алишер Назар — битганларида кўпроқ ўйчил туйғулар ёки туйғусол ўйлар акс этадиган шоир. Менимча, Алишер роҳатланиб шеър ёзмайди. Унинг биткилари мудом оғриқли изтиробдан азоб билан дунёга келади... Алишернинг лирик шеърларида руҳият ташқи безак эмас, балки ички моҳият сифатида на-

моён бўлади. У тасвир асносида ҳодисадан кўра ҳолат ва кайфиятни тيرانроқ акс эттиради...».

Энди шоирдан бир шеър эшитас.

ХАТО

Мўлжаллаб тепкига борди бармоқлар,
Қўрқардим, қўллари титтарди дир-дир.
Ох, тепки босилди!
Мен эса тирик!
Кўксини чангаллаб йиқилди кимдир.

Ай ношуд сайёдим, ай ношуд сайёд,
Шунчалар эдим мендаги қасдин?
Ўқинг юрагинга қадалганида,

Мен бунча ўлмасдим,
Бундай ўлмасдим!



Яна бир маълумот: ўтган йили «Мухаррир» нашриётида Алишер Назарнинг матбуотда эълон қилинган публицистик мақола ва суҳбатлари жамланган «Холислик эҳтиёжи» китоби ҳам нашрдан чиққанки, ҳар иккиси китобхон маънавий олами учун тўхфадир.

Жўрабек ЖАНГИРОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ЎЗБЕКИСТОННИНГ КИМЁГАР ОЛИМЛАРИ

Ўзбекистонда кимё фани ривожига каттакичлик улуш қўшган олимлар жуда узун рўйхатни ташкил этади. «Фан ва технология» нашриётида чоп этилган «Ўзбекистон кимёгар олимлари» китобини ўқиб, бу ҳақда муайян маълумотларга эга бўлиш мумкин.



Муаллиф Иброҳимжон Асқаров китобни яратишда аввал нашр қилинган шундай характердаги адабиётлардан унумли фойдаланиб, кимёгар олимлар рўйхатини кенгайтиришга муваффақ бўлган. «Ўзбекистон кимёгарлари», «Кимёгар технологлар маскани фидойилари» китобларидан фарқи равишда, бу галги нашрга 109 нафар олимнинг ҳаёти ва илмий-педагогик фаолияти ҳақидаги мақолалар киритилган.

Мустақиллик йилларида кимё фанини умумтаълим мактаблари, касбхона коллежлари, академик лицей ҳамда олий таълим муассасаларида ўқитишга давлат миқёсида эътибор қаратилаётганлиги, янги авлод дарсликларининг яратилиши, таълим масканларининг замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланиш жараёнида ҳам сезилиб турибди. Бунинг самараси ўларок, кўплаб ўқувчилар халқро кўрик-танловларда иштирок этиб, катта-катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Кимё фанидан дарслиқлар мажмуасини яратган педагоглардан бири К.Ғолимовга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилди. Мамлакатимизда кимё фани ривожланаётган экан, соҳанинг илмий-назарий асосларини яратган олимлар ҳақидаги бу китоб ёш мутахассисларга қўл келади.

Хулқар ТҲИМАНОВА

СОҒЛОМЛИҚДАН ПОЛВОНЛИККАЧА

мак учун бажарилмайди. Миллий спорт турига бағишланган «Ўзбек жанг санъати» китоби ўқувчиларнинг таълим жараёни ҳамда мустақил спорт машғулотларини ташкил этиш учун зарур бўлган тарихий-назарий ва амалий-усулбий билимлар манбаи, малака ва кўникма ҳосил қилишда кўмак берувчи муҳим манбадир.

2014-yil 22-oktabr, № 85 (8734)

ИРОДА ВА МАТОНАТ НАМУНАСИ

Олимпия ўйинлари тизимида ўтказилган йиллик мусобақалар дастурига сайёрамиздаги имконияти чекланган спортчилар иштирокидаги паралимпиада ҳам киритилди. Бу анъанага айлиниб улгурган. Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинлари мусобақаларидан сўнг айтилган пайтда бу шаҳарда Параолимпия ўйинлари бўлиб ўтмоқда.


18–24 октябрь кунлари ўтказилиши белгиланган мусобақаларда қўшмаимизнинг 41 давлатидан келган 4500 нафарга яқин атлет спортнинг 24 тури бўйича 600 медаллар жамланмаси учун ўзаро куч синашмоқда. Мазкур нуфузли мусобақаларда 26 нафар ҳамкоримиз ҳам муносиб қатнашмоқда. Улар бутун дунёни нигоҳи қаратилган халқаро аренада чинакам матонат ва жасорат кўрсатиб, минглаб спортчиларга намуна бўлмоқда. Энг қувончлиси, мардлик ва жасурлик фазилатларини ўзида жамулган этан имконияти чекланган спортчиларимиз ўта мураккаб бахсларда ирода ва шират билан юртимиз шай

ларимизнинг мусобақаларнинг илк куниди 5та медалга сазовор бўлгани, шундан тўрттаси олтин экани қувончлидир. Вакилларимиз кеча тонгги бахсларда ҳам яна 2та олтин ва 1та кумуш медални қўлга киритишди.

Ғолиб ва совриндорлар ҳақида гап кетганда, Параолимпия ўйинларида тўрт бора зафар қўнган спортчимиз Кирилл Панков ҳақида алоҳида тўхталмай

ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Жумладан, Мавлонбек Хайдаров ядрони 14 метру 39 сантиметрга улоқтириб, Параолимпия ўйинлари ғолиби бўлди. Диккатга сазовор томонини шундаки, ҳали бирорта олимпия спортчи мазкур кўрсаткичга эришмаган экан. Демак, бу ҳам қўша рекорди.

1500 метр масофага



Мавлонбек Хайдаров

югуриш баҳсида Маъруфжон Муродиллаев биринчи бўлиб марра чизганини кесиб ўтди ва навбатдаги олтин медал делегациямиз ҳисобига тақдим этилди.

Яна бир иқтидорли вакилимиз Хусниддин Норбеков диск улоқтириш мусобақасида энг юқори кўрсаткич, яъни 53 метру 84 сантиметрлик натижа билан яна бир олтин медалга сазовор бўлди. Хусниддин бироз олдин ядро улоқтириш бўйича кумуш медал эгаси бўлган. Эслатиб ўтамиз, Х.Норбеков 2010 йили Гуанчжоуда ўтган Параолимпия ўйинларида жамоамизга кумуш медал келтирганди.

Енгил атлетиканинг яна бир тури — узунликка сакраш ботида ҳамюртимиз Фаррух Мирзақуллов 6 метру 58 сантиметрни «забт этиб», кумуш медал эгаси бўлди.

Дзюдо беллашувларида бирйўла уч нафар спортчимиз финалгача етиб борди. Хусусан, 52 килограммгача бўлган вазн



тоифасида хотин-қизлар ўртасидаги курашда Сеvinc Салаева барча рақибларининг курагини ерга тегиштириб, Параолимпия ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлди. Унинг шарафига юртимиз байроғи музаффар кўтарилиб, мадҳиямиз баралла жаранглади.

Эраклар ўртасида ўтган беллашувларда эса Шерзод Намозов (-60 кг) ҳамда Нурбек Бердиев (-66 кг) ўз вазнида Осиёнинг биринчи рақамли полвонлари эканини амалда намоён этди. Шунингдек, 2012 йили Лондон шаҳри мезбонлик қилган Паралимпиадада кумуш медални қўлга киритган таниқли полвонимиз Шариф Халилов 81 килограммга бўлган спортчилар беллашувида финалгача етиб борди. У чорак финалда эронлик Саид Нури Жаъфарийни, ярим финалда япониялик Юсуке Хатсуэни мунддатдан аввал, аниқроғи, 2 дақиқаю 40 сония ичида «иппон» баҳоси билан етди. Финалда эса тайландлик Рунг Чатфунгени 19 сонияда мағлуб этиб, олтин медал соҳиби бўлди.

73 кг.гача бўлган вазн тоифасидаги дзюдочилар баҳсида Феруз Саидов умумжамоамизга яна бир олтин медал совға қилди.

Айни дамда ўзбекистонлик спортчилар 16 та олтин, 2 та кумуш ва 1 та бронза медалини қўлга киритган ҳолда жами 19та медал жамғариб, умумжамоа ҳисобида 4-ўринда бормоқда.

Зоҳиджон ХОЛОВ

СПОРТЧИ ҚИЗЛАР МАҲОРАТ ВА НАФОСАТ БАҲСИДА

Қизлар орасида шарқ яккакураши спорт турлари билан шугулланаётганлар кўпчилигини ташкил этади. Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида ана шундай иқтидорли ва ёш спортчи қизлар ўртасида анъанавий «Шарқ яккакурашлари маликаси — 2014» спорт фестивали ўтказилди.

Танловнинг финал босқичида 6 нафар спортчи қиз кўргазмалли чиқиш, жозибали рақс, пазандалик, спорт маҳорати, шўх куй-қўшиқларни ижро этиш каби қизиқарли шартлар асосида ўзаро беллашдилар. Фестивалнинг дастлабки шартда иштирокчилар «Спорт менинг ҳаётимда» мавзусида ўзлари ҳақидаги қизиқарли тақдиротни томошабинларга намоиш этган бўлса, иккинчи шартда қизлар миллий ва замонавий рақслар ижро этиб, хореография ботида ўз маҳоратини синовдан ўтказишди. Ушбу шартда, айниқса, у-шу спорт устаси Камола Қўрбонованинг ўзбекиона миллий рақси кўпчиликлари манзур бўлди. Спортчи қиз «Ўзбекман» рақсини

«Sharq yakkakurashlari malikasi—2014»

маромига етказиб ижро этдики, томошабинлар Камоланни рақс якунига етган гулдўрос қарсақлар билан олқишладилар. Тўртинчи шартда қизлар «Ширинбулок» ўқув-машгулотлар базасида қўша вақт ичида икки хил ёз ва куз фаслларида истеъмол қилинадиган бир-биридан мазали салатларни тайёрладилар. Мазкур шартда ўзбек жанг санъати устаси Зарнигор Нуруллаеванинг пазандалик санъатига тенг келадигани топилмади. Спортчи қизнинг мазали салатини ҳакамлар ҳайъати бир овоздан юқори баҳоладилар. Моҳир дзюдочи Амина Маметова залда йиғилганларни спортдаги эришган муваффақиятлари, маҳорати билан қўйил қолдирди. Фестивал сўнггида Барчинойдек дилбар, Тўмарисдек оқила қизлар нафақат спортда, балки нафосат ва гўзаллик ботида ҳам тенгсиз эканликларини атлас, адрас каби ўзбек миллий матоларидан тикилган либос намоишида кўрсатиб, муҳлисларни яна бир бор ҳайратга солишди. Айтиш жоизки, шарқ яккакураши спорт турлари билан шугулланувчи иқтидорли, гўзал қизларнинг ҳар бири «Спорт олами маликаси» деган юксак эътирофга лойиқ. Бир олам таассуротларга бой ўтган кўрик-танловда иштирокчилар «Энг нафосатли», «Энг лафотатли» каби номинациялар бўйича ғолибликни қўлга киритдилар ва уларга «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Қизгин кечган беллашув натижаларига кўра, ўзбек жанг санъати билан шугулланувчи спортчи қиз Мафтуна Худоёрова «Шарқ яккакурашлари маликаси» деб топилди.

— Бугунги кўрик-танловга Бухоро вилоятидан ташриф буюрдим. Ўзбек жанг санъати билан олти йилдан бери шугулланаман. Ҳозир Ўзбекистон терма жамоаси сафида ўз маҳоратини ошириб келмоқдаман. Кўрик-танловда ўз истеъдодини намоиш этиб, иштирокчилар орасида энг юқори балл тўплашга ҳаракат қилдим, — дея ҳаяжонлари билан ўртоқлашди кўрик-танловнинг «Энг лафотатли спортчи» номинацияси ғолибаси Зарнигор Нуруллаева.

Одина ҚУЛМУРОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Фахриддин Хамроев

нинг муносиб ҳимоя қилиб, делегациямиз ҳазинасини медалларга бойитмоқда. Яна бир жиҳат шунки, спортчиларимиз фақат медал олаётгани йўқ, балки қўша рекордларини ҳам янгиламоқда. Шу боис паралимпиячиларимиз ҳаракатини қузатиб турган юртоқлашимиз беҳитиёр ўрнидан туриб қарсақ чалиб, олқишламоқда.

Бинобарин, спортчи-



Кирилл Панков

илоҳ йўқ. У даставвал 50 ва 100 метр масофага эркин ва 100 метрга чалқанча усулда сузиш мусобақаларида ғолиб бўлди. Сўнгги 200 метрга эркин усулда сузиш ботида тенгги йўқ эканини кўрсатди. Параолимпия ўйинларининг биринчи кунидеяк 2та олтин медал соҳибига айланган Дмитрий Хорлин ҳам эътирофга сазовордир. У эртаси кунини 100 метр масофага эркин усулда сузиш ботида ҳам тенгсиз эканини исботлади. Дмитрий кимўзарда 00:56.50 сониялик натижа қайд этиб, бир йўла Параолимпия ўйинлари рекордини ҳам янгилашга муваффақ бўлди.

Мусобақаларда сузувчиларгина эмас, балки енгил атлетикачиларимиз

БОШЛАНҒИЧ ҲАРБИЙ ТАЙЁРГАРЛИК

ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ўзлаштирилади

Ҳарбий кийимда шахдам қадам ташлаб бориб, давлат байроғини ўпаётган йигитларни кўрганда, беҳитиёр қалбингиз фахр-ифтихорга тўлади. Улар ҳарбий ҳаётда туриш машқларини уй шароитида ўрганган эмас, йигитлар ҳарбий соҳага оид билим, кўникма ва малакаларни ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўзлаштиридилар.

Касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқув жараёнида татбиқ қилинган «Ҳақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» фани ана шу мақсадга йўналтирилгани билан муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг таъян ўқув режасида бу фани 140 соат ҳажмида академик лицей ва касб-хунар коллежнинг иккинчи ва учинчи босқичларида ўқитиш белгилаб қўйилган.

Ўқув предметининг «Ҳақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» деб номланиши беҳиз эмас. Чунки ўсмир йигитларимиз миллий армия, унинг Ватанимиз муудофаа тизимидаги ўрни ҳақидаги илк тўшунчаларни ана шу ўқув фани орқа-

ли шакллантириб боради. Аввал умумий ўрта таълим ўқув предметлари қаторидан ўрин олган фанининг ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув дастурига ўтказилиши ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. 16 ёшда умумий ўрта таълим босқичини тамомлаб, таълимининг кейинги босқичига йўл олган ўсмир психофизиологик жиҳатдан анча етилгани боис, ушбу ўқув предметини ўзлаштиришга қўйилмаслиги ҳисобга олинган.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейида ушбу ўқув фанини ўқитиш жараёни билан танишган кишида ижобий ҳулоса пай-

до бўлади. Лицейда 1200 нафар ўқувчи бўлиб, шундан 383 нафари иккинчи, 375 нафари учинчи босқичда ўқийди ва уларнинг барчаси «Ҳақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқув фани бўйича давлат таълим стандартларида белгиланган билим, кўникма ва малакаларни эгалламоқда. Академик лицейда ўқувчиларнинг бошланғич ҳарбий тайёргарлигини мустаҳкамлаш учун мавжуд имкониятлардан умумий фойдаланилаётгани боис, илк маскани жамоаси ўтган ўқув йилида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинлари мусобақасининг Тошкент шаҳар босқичида учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

— Иккинчи босқичда бу фанини ўқитиш учун умумий 80 соат ажратилган. Шундан 30 соати назарий, 50 соати амалий дарсдир. Дарс қайси шаклда бўлишидан қатъи назар, ҳар бир ўқувчида бошланғич ҳарбий тайёргарлик кўникмаси-

ни шакллантиришимиз керак. Ҳар бир дарс сафда туриш, қадам ташлаш, ҳарбийча салом бериш, ўнгла, чагла, орқага бурилиш каби машқларни бажариш билан бошланади. Дастлабки машгулотда саф машқларини бажаришда шохқалоқликка йўл қўйган ёки хато қилган ўқувчилар тўртинчи, бешинчи дарсларда ҳақиқий асқардек ҳаракат қиладилар. Лицейимизда ягона тўсиқлар йўлаги, гимнастика майдончаси, ўқувчилар бўйига мосланган учта турник, саф машқлари намунасига оид стендлардан бир нечтаси мавжуд, — дейди академик лицейнинг «Ҳақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» фани ўқитувчиси, лейтенант Одил Қўлтураев.

Академик лицей ўқувчилари орасида дарс қолдирадиган, пассив ўзлаштирадиган, жисмоний ва ҳарбий тайёргарлиги суст ўсмирлар учрайди. Уларга таълимда эътибор ва назорат зарурлиги инobatта олиниб, «Йи-

гитлар клуби» ташкил қилинди. Клуб аъзолари учун ҳарбий-спорт йўналишидаги машгулот алоҳида ташкил қилиниб, ўз тенгқурларидан орқада қолмаслик уқтирилади. Лицей дарвоза олдига клуб аъзоларининг навбатчиликка қўйилиши уларда масъулиятни, ўзига нисбатан ишончни мустаҳкамлайди.

Мард йигитлар ўз юртини ҳимоя қиладилар, унинг муудофаасига тайёргарликни болалик давридан бошлаб, ўсмирлик даврида мустаҳкамлайди. Бунга эса таълим даргоҳларида яратилган шарт-шароит, ўқув машгулотлари орқали эришилади. Академик лицейнинг иккинчи ва учинчи босқичида ўқийётган йигит-қизлар келгусида турли олий ўқув юртиларида таълимни давом эттиради. Қўндалик турмуш тарзида, касбий фаолиятда уларга лицейда эгаллаган бошланғич ҳарбий тайёргарлик машқлари қўл келиши, шубҳасиз.

Хўлгар ТҲИМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Фақат октябрда!

ДИҚҚАТ!

Таълим муассасалари
учун

АКЦИЯ



Ўзбекистонда 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами муносабати билан «Менинг шахрим» лойиҳаси Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқувчиларига қуйидаги дастурлардан ИККИ ОЙ БЕПУЛ ФОЙДАЛАНИШ имконини тақдим этади:

- Лицей ва коллежларга ўқишга қираётганлар учун электрон тайёрлов тестлари (мактаблар учун);
- Олий таълим муассасаларига қирувчилар учун электрон тайёрлов тестлари (лицейлар ва коллежлар учун);
- Математика — аниқ фанлар билан шуғулланмоқчи бўлганлар учун математика бўйича назарий материал ва макбул ечиш йўли кўрсатилган тестлар.

Дастурий маҳсулотлар қуйидагиларни ҳам ўз ичига олган:

- ўқувчиларни касбга йўналтириш билан шуғулланадиган педагогларга ёрдам сифатида психологик тестлар;
- ихтисосликлар маълумотномаси ва уларнинг тавсифлари (ўзбек ва рус тилларида).

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ АКЦИЯ ИШТИРОКЧИСИ БЎЛИШ МУМКИН?

Агар Сиз Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ўқув муассасасида таълим олаётган бўлсангиз, у ҳолда:

- www.mg.uz сайтига киришингиз;
- анкета саҳифасига ўтишингиз;
- электрон тестларни юклаб олиш имконини қўлга киритиш учун қисқа анкетани тўлдиришингиз;
- керакли дастурий маҳсулотларни юклаб олиб, рўйхатдан ўтиш чоғида «Дастурни синаш» тугмасини босишингиз мумкин.

Тошкентдаги мактаб, лицей ва коллежлар учун электрон тестларни ўз ичига олган барча дастурий маҳсулотларнинг тақдимот маросимлари ўтказилиб, шундан сўнг 1 та компьютерга битта ишчи дастур ўрнатилади.

Батафсил маълумот олиш ва тақдимот маросимлари ўтказишга буюртманомаларни бериш учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этинг: 283-39-34, 283-39-32.

Хизматлар лицензияланган.

Guvohnoma №005067-03

ТАСВИРЛАРДА КУЗ ТАРОВАТИ

Эрталабки сайр вақтида япроқлар тўкилишини кузатаётган болажонларга тарбиячи “Олтин куз” шеърини ўқиб берди. Тасвирий санъат машғулотида эса табиат манзарасини чизишни топшириқ қилиб берди. Кичкинтойлар рангли қалам ва бўёқлардан фойдаланиб, оқ қоғозда куз фасли тасвирини ифода қилишга бошладилар...



— Масканимизда тарбияланаётган 369 нафар боланинг вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ҳар бир машғулот интерфаол усулда ташкил этилади, — дейди Олмазор туманидаги 106-МТМ мудираси ва-зифасини бажарувчи Дилором Аббосова. — Айни пайтда тарбиячилар кичкинтойлар билан биргаликда ҳосил байрамини ўтказишга тараддуд кўрмоқда. Болажонлар тўғрақда ёдлаган шеърлари, куз фаслига атаб чизган расмлари билан тадбирда иштирок этиб, ўз иқтидорларини намоён этадилар.



Бурҳон РИЗОКУЛОВ
олган суратлар.

Ma'rifat

ТА'СИ
ЕТУВЧИЛАР:

О'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
О'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, О'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Бosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. Г-1024. Tiraji 39275.
Hajmi 4 bosma taboq. Offset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

ТЕЛЕФОНЛАР:

qabulxona — 233-50-55;
kotihiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416



«Ma'rifat» dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqiriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.
O'za yakuni — 21.30 Topshirildi — 22.15

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Mathuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.
Navbachi muharrir:
Hulkar TO'MANOVA.
Navbachi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.